

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: info@uzas.uz 2014-yil 5-sentabr • №36 (4279)

ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ ВА МУҲТАРАМ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Менинг камтарона хизматларимни Ватанимизнинг юксак мукофоти бўлмиш «Эл-юрт ҳурмати» орденига муносиб топганингиздан бошим осмонга етиб, чексиз қувонч ва миннатдорлигимни сўз билан ифодалашга ожизман.

Сиз мен учун дунё тан олган донишманд сиёсатчи, улуғ бир халқнинг буюк раҳнамосигина эмас, менга нажот, куч-қувват, илҳом, умид ва ишонч берган улуғ Инсонсиз.

Мен каби ҳали оқни қорадан ажрата олмайдиган, гўр бир йигитнинг ҳаётда тўғри йўлни, ўз ўрнини, санъатда ҳам ўз йўлини топишига Сизнинг оталарча меҳрингиз ва доимий эътиборингиз сабаб бўлганини ҳеч қачон унутмайман. Сизнинг ҳаётингиз, ақл-заковатингиз, бекиёс инсоний салоҳиятингиздан ўзим учун туганмас қувват, илҳом оламан. Сизни кўриш ниятида ҳар куни телевизорда «Ахборот»ни кутаман, ҳароратли сўзларингиз, маърузаларингизни тинглаб ижодий йўналишимни белгилаб олишга интиламан.

2007 йилда менга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонини берганингизда «Сен саҳнага чиққанингда одамларнинг, ёшларнинг кўзига қарайсанми? Уларнинг кўзида нималарни кўрасан?» деб сўраган эдингиз. Очиғи, мен ўшанда ҳаяжонланиб, бу саволингизга тайинли бир жавоб бера олмаган эдим.

Илгари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмаган, санъаткорнинг вазифаси фақат яхши қўшиқ айтишдан иборат, деб юрар эканман. Инсоннинг кўнглидаги туйғуларни, энг аввало, кўзи кўрсатишини, қўшиқ инсон қалбига энг яқин йўл эканини ана шу саволингиздан кейин тушуниб етдим.

Мен мамлакатимизнинг жуда кўп қишлоқ-шаҳарларида, фермер хўжаликлари, йирик корхоналарда, таълим масканлари, ҳарбий қисмларда ижодий сафарларда бўлганимда одамларнинг кўзларини кузатаман, уларда хурсандчилик, эртанги кунга ишонч, ҳаётдан розиликни кўраман. Баъзан улар менинг ёнимга келиб, Президентимизни кўрсангиз, у кишига бизнинг саломимиз ва миннатдорлигимизни етказинг, деб илтимос қилишади.

Мен соддадил ва самимий, айни вақтда Сиз амалга ошираётган буюк ислоҳотлар моҳиятини англаган халқимизнинг Сизга бўлган чексиз эътиқодидан, ишончу ихлосидан, меҳридан яна хурсанд бўламан.

Одамларимиз дунёга очиқ кўз билан қараб, юртимиздаги тинчлик учун Сиздан миннатдор. «Энг катта бойлигимиз — тинчлик-осойишталик, шу бойликни асрашимиз керак», деган сўзларингизни такрор-такрор айтишларига мен гувоҳман.

Мен ҳам ижодий сафарлар чоғида, катта-кичик учрашувларда Ўзбекистонимизнинг бугунги зафарлари ўз-ўзидан қўлга киритилмаётганлигини, бу борада Сизнинг оқилона сиёсатингиз, жасорат ва шижоатингиз асос эканлиги ҳақида баҳоли қудрат сўз юритишга интиламан.

Ана шундай давраларда ёшларимиз, навқирон ука-сингилларимизнинг шундай гўзал, ободюртда эркин яшаётгани, ҳаётда ўз бахтини топаётган ёш авлоднинг Сизга бўлган юксак ҳурмати, Сиз билан ҳақли равишда фахрланишларини кўриб, очиғини айтсам, менинг ва барча ижодкор дўстларимизнинг қалбимизда баланд руҳ, жўшқин илҳом пайдо бўлади.

Бундай ифтихор туйғуси биргина менинг юрагимда эмас, мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларнинг юрагида кундан-кун барқ уриб ўсмоқда.

Сиздан умримнинг охиригача қарздорман, Сизга, Ватаним ва халқимга тинимсиз, жону дилим билан хизмат қилишга тайёрман.

Сиз бизга инъом этган энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 23 йиллик тўйи муборак бўлсин!

Эл-юртимиз бахтига, бизнинг бахтимизга азиз бошингиз омон бўлсин!

Ҳурмат ва эҳтиром билан,
Озодбек Назарбеков

Биз ўта оғир, машаққатли синов ва курашларда қўлга киритган Ватанимизнинг Мустақиллик кунини нишонлар эканмиз, барчамизнинг ҳаётимизда чуқур из қолдирган, биз босиб ўтган тарихан қисқа даврда нималарни бошимиздан кечирдик, нималарга эришдик, таъбир жоиз бўлса, “Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган фикр-мулоҳазалар беихтиёр хаёлимиздан ўтиши табиийдир.

Мустақиллик, истиқлол деган улуғ неъмат аввало халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни берган, инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, қадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғусини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадрият ва урф-одатларимизни қайтариб берган, Ватанимиз тарихида ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган буюк санадир.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан.

Биз кимиз, қандай буюк зотларнинг, қандай буюк мероснингворисларимиз?!

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ — ҒУРУР ДАРСЛАРИ

Ҳар йили анъанага кўра, янги ўқув йилининг биринчи сабоғи МУСТАҚИЛЛИК дарси билан бошланади. Она юртга муҳаббат туйғусини уйғотадиган, озодликнинг энг азиз неъмат эканлиги, уни асраб-авайлаш лозимлиги таъкидланадиган ушбу сабоқ дилбандларимиз қалбида бир умрга муҳрланиб қолади. Йўлчи юлдуздек йўлини ёритиб туради. Ватанни севиш, тинчликни қадрлаш, миллий ўзликни англаш каби инсоний туйғулар юрагининг қатқатидан жой олган фарзандларимиз юртимиз шаънини юксакларга кўтариши шубҳасиз.




“Мустақиллик дарслари” илк бор мактабга чиққан жажжи қизалоғу болакайлардан тортиб, балоғат остонасида турган йигит ва қизларнинг-да қалбига ҳаяжон солди. Озодлик, Она Ватан, Тинчлик каби сўзлар майин куйдек қалбларга қуюлиб кирди. “Қадимгини дадил ташла, умр ғанимат, эзгу ишлар қилишга улгуриб қол, Ватанни сев, озодлик тенгсиз неъмат”, каби даъват юракларда қайта-қайта акс-садо берди. Ахир фарзандларимизда озод юртнинг довруғини етти иқлимга таратиш қудрати, салоҳияти бор.

— Истиқлол бизга аждодларимизнинг улкан маънавий меросидан баҳраманд бўлиш бахтини инъом этди, — дейди Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани 49-умумтаълим мактаби ўқувчиси Юлдуз Хўжамуродова. — Биз “Мустақиллик дарслари”да аждодларимизнинг ибрати ва бизга қолдирган буюк мероси ҳақидаги жуда кўплаб маълумотлар билан танишиш жараёнида кимлигимизни, қандай улуғ зотларнинг ва маънавияти бой халқнинг фарзандлари эканлигимизни чуқурроқ англадик. Бугун ҳатто дунё олимлари ҳам Ўрта асрларда Шарқда яшаб ўтган аллома ва мутафаккирларимизнинг боқий меросини тадқиқ ва тарғиб этишга бел боғлаган экан, бу бизнинг жаҳонга юз тутганимиздан далолатдир.

— Ўқув йилининг “Мустақиллик дарслари” билан бошлангани менда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Турин Политехника университети ҳузуридаги академик лицей ўқувчиси Моҳинур Мамараҳимова. — Самарқанд шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманда эътироф этилганидек, Ўзбекистон таълим тизимини ривожлантириш даражаси яъни таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллар экан. Бу маълумотни бизга устозимиз ўқиб эшиттирганида қалбимни фахру ифтихор эгаллади. Демак биз, келгуси тараққиёт учун ишончли пойдевор сифатида хизмат қиладиган, ўқимишли, руҳи ва маънавияти юксак инсонлар бўлиб етишишимиз лозим эканлигини чуқурроқ англадим. Ахир Юртбошимиз ҳам мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган маърузасида Ўзбекистон ёшларига қарата: “Сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар, деб ҳисоблайман...”, дея ишонч билдиргани бежиз эмас.

— Мен физика, математика ва астрономия фанларига жуда қизиқаман. Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан ўтказилган “Мустақиллик дарслари” орқали аждодларимизнинг ушбу фанларни нечоғлик чуқур билганлиги ва ўзларидан оламшумул кашфиётлар қолдиргани ҳақида янги-янги маълумотларга эга бўлдим, — дейди пойтахтимиздаги 212-умумтаълим мактаб ўқувчиси Нодирбек Хурсанов. — Масалан, Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солгани учун, алломанинг дунё илм-фани ривожидаги хизматлари эътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилган. Ёки фазовий тригонометрия асосчиси деб тан олинган, математика ва астрономия соҳасидаги кашфиётлари билан шуҳрат қозонган буюк алломаларимиздан бири Абу Наср ибн Ироқни “Иккинчи Птоломей” деб атайдилар. Улуғ мутафаккирларимизнинг бундай баҳога лойиқлиги қалбимда уларга нисбатан чексиз эҳтиром туйғуларини уйғотди. Ва яхши мутахассис бўлиш учун бобокалонларимизнинг асарларини қайта-қайта ўқиш ва ўрганиш зарурлигини ҳис қилдим.

— Таълим муассасаларида “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган “Мустақиллик дарслари” орқали яна бир бор аждодларимиз кимлигини ёдга олдик. Яна бир бор ўқувчилар Ўрта асрлар Шарқ алломаларининг чироғини ёқиш, амалга оширган буюк ишларини давом эттириш учун ҳаёт пиллапояларидан дадил одимлаш кераклигини теранроқ ҳис қилдилар, — дейди Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, “Дўстлик” ордени соҳибаси Бўтакўз Исоқова. — Ахир Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний сингари буюк аллома ва мутафаккирларимиз дунё илм-фани, фалсафа ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган, ушбу минтақа довруғини бутун жаҳонга таратган. Зеро, Президентимиз шу йилнинг май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида таъкидлаганидек, “Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак. Айни вақтда фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!” Ана шу даъват ҳам ўғил-қизларимиз қалбида бир умрга акс-садо бериб туради. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг ушбу халқаро конференциядаги маърузасини жорий йил сентябр-октябр ойларида умумтаълим мактабларининг 9-синфларида факультатив курс сифатида ўқитиш йўлга қўйилди. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари учун 8 соатлик, олий ўқув юртлари талабалари учун 6 соатлик дарслар ташкил этиш, 3 — 8-синфларда “Ватан туйғуси”, “Одобнома”, “Адабиёт”, “Тарих”, “Математика”, “Кимё”, “Иқтисодий билим асослари” ва “Физика” фанларига тегишли мавзулар мазмунига сингдириб ўқитиш мақсадида ўқув дастурлари ва методик тавсиялар электрон шаклда ишлаб чиқилди ва буларнинг барчаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг интернет сайтларига жойлаштирилди.



Дарҳақиқат, ёшларимизнинг илм чўққиларини эгаллашлари учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Мактаб остонасига эндигина қадам қўйган жажжи ўқувчиларга “Мустақиллик дарслари” бошланишидан авval Президент совғасининг ҳадя этилиши эса она Ватаннинг меҳрини, ғамхўрлигию эътиборини қайта-қайта ҳис этиш имконини беради. Ёки бугун ёш авлоднинг ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсиши, таълим-тарбия олиши учун яратилаётган шарт-шароитлар, замон талабига хос, жаҳон андозаларига мос таълим стандартлари асосида бунёд этилган билим масканлари уларни юрт олдида янада масъулиятли бўлишга ундайди. Маълумотларга қараганда, янги ўқув йилида 9739 та умумтаълим мактабида 4 миллион 458 минг 162 нафар ўқувчи таълим олади. Жумладан, бу йил 587 минг нафардан зиёд жажжи ўғил-қизларимиз 1-синфга қадам қўйди. Уларнинг барчасига 12 номдаги ўқув қуроллари ва ўқувчилар сумкаси “Президент совғаси” сифатида топширилди.

Барно СУЛТОНОВА

МИЛЛАТНИНГ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИ

Мана, йигирма уч йилдирки, халқимиз август ойининг сўнгги кунини кўнгилда катта фахр-ифтихор билан қаршилайди. Аввало, эрта тонгда Президентимиз бошчилигида истиқлол курашчилари хотираси ёд этилиб, қатағон қурбонларининг рамзий қабри зиёрат қилинади. Бу удум ҳам маънавияти юксак халқимизнинг асрий анъанаси бўлиб, улуғ тўйлар арафасида шундай дориламон кунларга етиб келганимиз шукронаси сифатида улуғ аждодлар руҳи поклари олдида таъзим бажо этмоқликдир.

31 август оқшоми эса ҳаётимиздаги энг нурафшон кун — Ватанимиз мустақиллиги эълон қилинган муборак сана муносабати билан бошланадиган тантаналарнинг дебочасидир. Истиқлол байрамлари Юртбошимизнинг ана шу тантанали маросимдаги табрик сўзи билан очилади. Президентимизнинг кўплаб асарлари, маъруза ва нутқлари каби мазкур табриклар маъно-мазмуни, бекиёс қамрови ва моҳияти билан илҳомбахш даъватларга йўғрилган бўлади. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги навбатдаги табрик сўзи ҳам Ватанимиз ва халқимизнинг миллий тараққиётга эришиш йўлида қўйган дадил қадамлари, эришилган ютуқлар, босиб ўтилган улуғ йўлларнинг ўзига хос сарҳисобига айланди. Юртбошимиз байрам иштирокчилари, меҳмонлар ва бутун халқимизни ушбу муборак айём билан қутлар экан: **“Мустақиллик биз учун – бу ўз тақдиримизни қўлга олиб, юртимизнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш, бекиёс моддий ва маънавий салоҳиятимизни амалга ошириш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш демакдир,** — деб таъкидлади. — **Кечаги мустабид тузумда яшаган инсонлар яхши билади: ўша пайтда**

Муносабат

Ўзбекистон деган гўзал бир диёрни, ўзбек деган буюк бир халқни ким танирди? Бизни мустақил давлат сифатида ким тан оларди? Юртимиз қандай улкан ва ноёб бойликлар макони, азиз-авлиёлар, буюк алломалар, олим ва мутафаккирлар ватани эканини, биз қандай бетакрор мерос, қандай улуғ зотларнинг вориси эканимизни ким биларди?”

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида асрларга тенг миллий тараққиёт йўли босиб ўтилди. Энг муҳими, халқимизнинг қадди кўтарилди, миллий ғурури юксалди, муқаддас қадриятларимиз, улуғ аждодларимизнинг илмий-маънавий мероси эъзоз топди. Бу эса истиқлолнинг буюк неъмати сифатида халқимиз маънавияти янада юксалиши учун муҳим зарурат ва имконият бўлди. Юртбошимиз байрам табригида бу жиҳатга алоҳида эътибор қаратганлари ҳам бежиз эмас: “**Бир пайт билдирган фикримни яна такрор айтаман: моддий нуқтаи назардан биз энг ривожланган давлатлардан балки ҳали орқададирмиз. Лекин, биз ўз йўлимизни танладик ва бу йўлдан қайтмасдан, қатъий ишонч билан айта оламиз: моддий нуқтаи назардан ҳам бу марра албатта бизники бўлади, аммо маънавий нуқтаи назардан қараганда, энг енгилмас куч ўзи нима? Юксак маънавиятли халқ эмасми? Ўзингиз айтинг, бундай халқни енгиб бўладими?**

Бу ҳақда сўз юритганда, бошлаган ишларимизнинг давомчилари бўлмиш азиз фарзандларимизни ўз фикрига, ўз қарашларига эга, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, эртанги кунимизнинг масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги давр талаб қиладиган соғлом ва баркамол авлод этиб тарбиялаш масаласига ўз вақтида устувор аҳамият бериб, уни умуммиллий даражага кўтарганимиз – энг тўғри, узоқни кўзлаган, ҳаётимизда ўзини тўла оқлаган тарихий қадам бўлди”.

Ҳа, юксак маънавиятли халқни асло енгиб бўлмайди. Онг ва тафаккури теран маънавий илдизлардан баҳраманд бўлган, иродаси бақувват, миллат келажагини фарзандлари камоли ва тимсолида кўра оладиган, узоқни кўзлаган халқгина юксак маънавиятли, деган шарафга муносибдир. Оллоҳга шукрки, бу жиҳатдан халқимизнинг юзи ёруғ. Мустақиллик йилларида қўйилган қутлуғ қадамларимиз, барпо этилган ва қурилиши жадал давом этаётган қитъаларни боғловчи автомобил ва темир йўлларимиз, янги шаҳар ва қишлоқларимиз, обод қилинаётган зиёратгоҳларимиз, йирик саноат корхоналари, автомобилсозлик гигантлари, ёшларимиз жаҳон илм-фан, маданият ва спорт анжуманларида эришаётган улкан ғалабалар — буларнинг ҳаммаси юксак маънавиятли халқнинг қиёфасини белгилайдиган ва намоён этадиган омиллардир.

Ана шундай эзгу сўзимиз, эзгу фикримиз, эзгу амалларимиз билан ёруғ келажак йўлида қўяётган дадил ва мардона қадамларимиз, иншооллоҳ, янада залворли ва устувор бўлгай!

М АБДУЛЛАЕВ



Аждодларимиз мероси — башарият бойлиги

ҲАҚИҚАТГА МУҲАББАТ

“XXI аср — билим ва интеллектуал тафаккур асри.” Бу фикр Самарқандда бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциядаги Президентимиз нутқида алоҳида таъкидланди. Бу келгусида ҳарбий куч, қурол-яроғ секин-аста ортга чекиниб, билим ва тафаккур ҳукмрон мавқега кўтарилади, деганидир.

Зеро, билим ва тафаккур шундай ноёб ҳодисаки, у чуқур илдизга, кўп минг йиллик захирага таянсагина таъсирчан қувватга, самарали ижтимоий-иқтисодий фаолиятга асос бўлади. Биз яшаб турган юрт бежиз муқаддас замин дейилмайди, унинг самога туташ қаърида қимматбаҳо маъданлар каби улардан-да беҳад қадрли билим ва тафаккур хазинаси бор. Бу халқимиз, ўсиб келаётган баркамол авлодимиз учун кўзга кўринмас, аммо таъсирчан қувват манбаидир. Билим ва тафаккур эса ҳақиқатнинг пилла-пояларидир.

Доно халқимизда узоқни кўзла, яқин ўзи келади, деган нақл бор. Шундай узоқни кўзлаб қилинган тадбирлардан бири 15-16 май кунлари Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган халқаро анжуман бўлди. Ушбу анжуман, ундаги асосий чиқиш, шу чоққача араб-мусулмон олимларига нисбат бериладиган буюк алломаларимиз номи ва мероси олий халқаро кўламда яна ўз юрти ва халқига қайтишида ҳал қилувчи қадам бўлди. Самарқанд анжуманининг стратегик мақсади ҳам айнан шу эди. Улар бизники, шундан кейингина — жаҳонники.

Уларни бизники дейиш билан иш битмайди. Лекин барибир бизники дейишда бир ҳикмат бор. Бизда форобийшунослик, берунийшунослик, ибнсиношунослик каби махсус фанлар вужудга келиши лозим. Даҳоларимиз ижоди ҳақида шу пайтгача бизда ҳам, хорижда ҳам кўп китоблар ёзилган, улар яратган дурдона асарлар қай бир даражада тадқиқ этилган. Лекин бу ҳол бизнинг олимларимизни, айниқса, ёш тадқиқотчиларни умидсизлантирмаслиги керак. Аввалги тадқиқотчиларнинг фидокорона меҳнатини эътироф этган ҳолда айтиш мумкинки, улар биз кўрадиган нарсани, нозик қатламларни кўрмаганлар. Даҳоларимиз бизники бўлгач, биз уларга ихлос ва муҳаббат билан ёндошамиз. Бу бизга илмий-ижодий қанот бағишлайди. Меҳр ва ихлос эса билишнинг калитидир.

Маърузада буюк қомусий бобомиз Абу Райҳон Берунийнинг кашфиётларига алоҳида эътибор қаратилган: **“Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб, денгизлар назариясини ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғоялар таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний даври” деб аталиши бежиз эмас”.**



Шу ўринда эътиборга лойиқ бир мисол. Юртимизда яшаб ижод қилган берунийшунос олим П.Г.Булгаковнинг “Жизнь и труди Беруни” (Тошкент, 1972) китоби чоп этилган. Китобнинг бир бобига Берунийнинг шундай фикри эпиграф қилиб қўйилган: “Нега Аристотел биз яшаб турган оламдан ташқари бошқа, ўзгача табиатга эга бўлган олам мавжуд дегувчилар сўзларини хато деб билади?” (Шу китоб, 58-бет). Кўринадики, бу ўринда Беруний буюк юнон ҳакими билан жиддий масалада тортишмоқда, керак бўлса, унинг фикрини рад этмоқда. Яъни, Беруний муайян ўринларда Аристотелдан анча узоққа кетган, деган тўхтам кучга киради. Устига устак, Берунийнинг ўзгача табиатга эга бўлган бошқа олам мавжудлиги ҳақидаги фикри ҳам эзотерика, ҳам замонавий физика учун самарали ва тўғри ғоя эканлиги мазкур фикрни янада қувватлантиради.

Халқаро анжуманда Президентимиз нутқидаги яна бир ўрин алоҳида аҳамиятга молик: **“Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва буни мен алоҳида қайд этмоқчиман, ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётлардан иборат илмий меросининг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда”.**

Албатта, буюк алломаларимиз асарларидаги чуқур қатламларга кириш осон иш эмас. Бу борада энди илмга қадам қўяётган ёш тадқиқотчилар алоҳида ғайрат ва шижоат кўрсатишлари лозим. Энг аввало, улар битилган тил, яъни араб, айрим ўринларда форс тилидаги матнга бевосита суянмоқ лозим. Платон ёки Аристотел ҳақида ёзилган махсус ишларда тадқиқотчилар бот-бот аслият, қадимги юнон тилидаги атама ва иборалларга мурожаат қилишади, лекин Форобий ва Ибн Сино асарлари ҳақида тадқиқот олиб боришган олимлар арабий матнга, у ёки бу атама, таянч сўзнинг аслиятда қандай бўлганига камдан-кам эътибор қаратишади. Бу эса жуда муҳим: маъно дастлаб битилган матннинг шакл-шамойилига, аслан айнан қандай сўз ишлатилганига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Иккинчидан, буюк аждодларимиз яратган илмий обидалар қаъридаги чуқур қатламларга бевосита ва холис кириш лозим. Қандайдир ташқи ғоявий тазйиқ турткиси билан эмас. Мен бу ўринда шўро замонида ҳукмрон бўлган марксча-ленинча фалсафа, унинг модиюнчилик босимини назарда тутаяпман. Гапнинг индаллоси, даҳоларимиз асарларидаги идеалистик, ирфоний қатламлар ҳақида махсус тадқиқотлар яратиш пайти келди. Бошқача айтганда, даҳоларимиз яратган буюк кашфиётлар умумжаҳон фалсафасининг энг умумий қонуниятлари ва энг замонавий фалсафа ютуқлари асосида ўрганилиши лозим.

Учинчидан, чуқур қатламларни очиш аждодларимиз меросининг миллий-ҳудудий ва диний-фалсафий илдизларини топишни ҳам англатади. Зеро, бизнинг алломаларимиз билан қадимги юнон фалсафаси ўртасида калом илми, Қуръони карим бор. Форобий ва Ибн Сино (биргаликда ва якка олганда) фалсафаси ва Қуръони карим орасида муносабат қандай, ички робиталар нималардан иборат, бундай масалаларни ҳам ўрганиш пайти келди.

Маърузада қайд этилган чуқур қатламлар шундай жабҳаларда юз кўрсатади, албатта. Маърузада жаҳон маданиятида катта нуфузга эга бўлган ҳодиса, Ренессанс ҳақидаги фикр, шубҳасиз, концептуал аҳамиятга эга: **“Тадқиқотчи-олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX-XII ва XIV-XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври — Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган”.**

Иқтибосдаги “жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ уйғониш даври — Шарқ Ренессанси” деган фикрга диққатни қаратайлик. Биздаги айрим “шарқпараст” олимлар Ренессансни бизга ёт ҳодиса сифатида баҳолашга мойилдирлар. Уларни ҳодисанинг фарангча номи ва ҳодиса ҳақидаги дастлабки фикрлар Ғарб олимлари томонидан айтилгани чалғитган бўлиши мумкин. Ваҳоланки, Ренессанс илк пайдо бўлиши ва ўқ илдизи билан мусулмон Шарқида туғилган илмий-маданий воқеадир. Қисқача айтганда, Ренессанс моҳиятан шарқона ҳодиса ва маърузада айтилган Шарқ Ренессанси илк ва туб Ренессансдир.

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Маълумки, янги эранинг дастлабки асрларидан бошлаб Ғарбий Европа илмий-дунёвий тараққиётга ғов бўлган ўрта асрлар зулматида қолди. Натижада антик даврда эришилган илм-фан ютуқлари унутилди. Антик алломалар яратган асарлар асрлар давомида кимса ўқимайдиган матоҳ сифатида кутубхоналарда қолиб кетди. Мусулмон Шарқида рўй берган маданий кўтарилиш таъсирида антик алломаларнинг қадимги юнон ва лотин тилидаги асарлари ўша пайтдаги фан тили бўлмиш араб тилига оммавий равишда таржима қилинди ҳамда Ғарбий Европа олимлари, XIV асрда Италияда, XV-XVI асрларда Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида юз берган Ренессанс арбоблари ушбу таржималар орқали илк марта антик дунё тафаккури билан ошно бўлдилар, яъни кўп асрлик уйқудан уйғондилар.

Лекин улар ўқиб таълим олган асарлар антик манбаларнинг оддий таржимаси эмасди, янги давр ва янги маданий-диний шароитда ривожлантирилган, қисман янгиланган, антик билим шарқона тафаккур билан омухта қилинган, яъни синтезлашган тафаккур маҳмуи эди. Шарқ алломалари ва мутафаккирлари, уларнинг катта қисми бизнинг ватандошларимиз, ўзларининг дурдона асарларини битиб кетгандан 3-4, ҳатто ундан кўпроқ аср кечибгина Ғарбий Европадаги Уйғониш титанлари пайдо бўлгани тарихий ҳақиқатдир. Ҳақиқат охир-оқибат юзага чиқиши аниқ. Бир мисол. АҚШда чоп этиладиган “Science” (“Фан”) журналида шу йили босилган мақоласида Ричард Стоун Беруний ҳақида “Ҳали Уйғониш даври бошланмасдан анча олдин Ренессанс кишиси бўлган бу олим...” (ЎзАС, 2014, 11 июл) дер экан, Уйғониш даври деганда анча кейин рўй берган Ғарб Ренессансини кўзда тутмоқда ва Берунийлар мансуб бўлган Шарқ Ренессансини, шундай атамаса-да, билвосита тан олмоқда.

Мамлакатимизда Шарқ алломалари илмий меросини ўрганиш юзасидан бўлаётган бундай саъй-ҳаракатлар, улуғвор маданий тадбирлар асло бежиз эмас. Биз миллат ва мамлакатимиз тарихида сифат жиҳатдан янги даврга қадам қўйдик. Президентимиз мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида айтганидек, **“Юртимиз қандай улкан ва ноёб бойликлар макони, азиз-авлиёлар, буюк алломалар, олим ва мутафаккирлар ватани эканини, биз қандай бетакрор мерос, қандай улуғ зотларнинг вориси эканимизни ким биларди?”**

Энди буни жаҳон билади ва биз билан ҳисоблашади. Биз аллома боболаримиз меросини ўрганиш ва бутун жаҳонга тарғибу ташвиқ қилишга киришар эканмиз, бу бизнинг она Ўзбекистонимиз ҳаётидаги янги Ренессанс даври бўсағасида турганимизни англатмайдими? Шундай бўлишига бизда қатъий ишонч ва ҳаракат иродаси бор. Халқимиз айтганидек, оққан дарё оқаверади. “Энг енгилмас куч, юксак маънавиятли халқ” жаҳонда ўзига муносиб ўринни эгаллайди. Самарқанд анжуманининг стратегик мақсади шудир.

Халқаро анжуманда қўйилган бош масала ўтмиш, ҳозир ва келажакни ўзида мужассамлаштиради. Ўтмиш алломаларимизнинг тарихий мероси бизга ворисий таянч, улар эришган оламшумул шуҳрат ёшларимиз учун юксалиш белги-нуқтаси. Келажагимиз шунга мос равишда буюк бўлиши тайин гап. Умидимиз қатъий. Чунки халқимиз руҳидаги ҳақиқатга, эзгулик ва гўзалликка собит интилиш ҳамишалик. Абу Наср Форобий бобомиз бизга қарата айтганидек, “Қунт билан кузатиб муҳокама қилгинки, токи бу руҳингни донолик лаззатидан тоттиришга, ҳақиқатга муҳаббатинг қўзғатишга боис бўлсин”. Ҳақиқатга сидқидилдан муҳаббат қўйган халқ кам бўлмайди.

Сувон МЕЛИ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

УЛУҒВОРЛИК ЭПОПЕЯСИ

Буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темурнинг шахсига, у барпо этган салтанат тарихига ва лашкарбоши сифатидаги беқиёс салоҳиятига бўлган қизиқиш жаҳон миқёсида замонлар ўтгани сайин тобора кучайиб бораётир.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти яқинда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» деб номланган тўрт китобдан таркиб топган роман-эпопеясини нашрдан чиқариб, адабиёт ихлосмандларини бағоят хушнуд этди.

Шубҳасиз, бу ҳодисанинг бадиий, маърифий ва илмий аҳамияти юксак. Асарнинг қимматини эса, икки нуқтаи назардан баҳолаш мумкин. Аввало, истиқлол туфайли юзага келган ижод эркинлиги туфайли тарихимиз ҳақида ана шундай кенг қамровли асар яратилгани диққатга сазовор. Иккинчидан, бадиий асарнинг тур ва жанр талаблари, ёзувчининг маҳорати тадқиқи юзасидан ҳам «Улуғ салтанат» йирик илмий изланишларга манба бўлиши тайин.

Китобдан яхши дўст бўлмас

Ушбу асар Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган манбалар асосида яратилгани ва тарихий ҳақиқатга мос келиши, тарихий шахслар қиёфаси ва феъл-атвори тўғрисидаги маълумотлар жонли акс этгани билан қимматлидир. Тарихни синчиклаб ўрганган адиб факт ва маълумотларни бир-бирига муқояса қилиб масалага холис ёндошган, натижада Амир Темурнинг ҳаққоний қиёфасини ярата олган.

Адибнинг ўзи таъкидлаганидек, “Тарихий мавзуда қалам тебратмоқ учун ижодкор икки карра ёзувчи бўлмоғи лозим! Ёзувчиликдан ташқари унга олимлик, илмий мушоҳада, тарихий фактларни топа билиш, улардан асар бош ғояси талаб этганларини умумлаштириб хулоса чиқара олиш ва барини бадиий ҳақиқатга бўйсундириш қобилияти зарур бўлади”.



“Улуғ салтанат” ўзбек адабиётини ҳақли равишда бойитган асардир. Эпопеяда тасвирланган давр ва воқеалар кўлами жуда кенг, қамрови катта, унда юзлаб қаҳрамонлар ҳаракат қилади. Асар билан танишган китобхон Амир Темур ва темурийлар даври тарихи, маънавияти, санъати ва маданиятидан хабардор бўлади. Асарнинг тузилиши ҳақида сўз юритаркан, муаллиф тўрт рақамининг мантиғини изоҳлаб шундай ёзади: “Бас, Соҳибқирон ҳақидаги китоб тетралогия-эпопея бўлиши ва тўрт китобнинг ҳар бири рамзий маънода бир ўғил исми билан аталиши лозим, номи “Улуғ салтанат” деб қўйилсин, деган қарорга келдим. Эпопеянинг бош қаҳрамони Амир Темурдир”. Биринчи китоб “Жаҳонгир Мирзо”да (“Шарқ” НМАК, 2003) 1370—1376 йил воқеалари, иккинчи китоб “Умаршайх Мирзо”да (2006) 1391 йил ёзигача бўлган давр, учинчи китоб “Мироншоҳ Мирзо”да (2010) 1399 йилгача ва тўртинчи китоб “Шоҳрух Мирзо”да (2013) 1409 йилгача кечган тарихий ҳодисалар акс эттирилган.

Ёзувчи Соҳибқироннинг бадиий тимсолини яратар экан, бу тенгсиз жаҳонгирнинг оддий инсонларга хос фазилатлару нуқсонлардан холи бўлмаганини ишончли тарзда кўрсатиб берган.

“Дунё аҳлини бахтли қилмоққа бел боғлаган Соҳибқирон ўз фарзандларини бахтли эта олдими – мана шундай инсоний муаммолар диққатимни ўзига жалб қилди, буни тадқиқ этиш тарихнинг эмас, адабиётнинг вазифасига киради”, дейди Муҳаммад Али. Бу фикр замирида теран фалсафий маъно мужассам. Китобхон мутолаа жараёнида эпопеянинг тўрт китоби нима учун Соҳибқирон фарзандлари номи билан аталгани сабабидан воқиф бўлади.

Нашрга таниқли рассом, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Алишер Алиқуловнинг эпопея мазмунига мос рангли иллюстрациялари илова қилинган. Китоб 5 000 нусхада чоп этилган. Аҳрор Аҳмедов унга муҳаррирлик қилган.

КУРАШ ВА МАРДЛИК

1998 йил. 6 сентябр. Тошкент.

Бу сана кураш тарихининг солномасида олтин ҳарфлар билан битилган. Айнан шу куни Тошкент шаҳрида йигирма саккизта мамлакат иштирокида Кураш Халқаро Ассоциацияси ташкил этилиб, миллий курашимизга халқаро спорт мақоми берилди. Шу сана билан кураш дунё халқларининг эътиборига тушди.

* * *

Тоғликларнинг ғалати одати бор-да: отларни беҳад яхши кўради. Меҳмон келса, аввал отга мулозамат кўрсатади. Айниқса, чавандознинг тулпори бўлса борми, бутун оила бедовнинг хизматида. Бири арпа берса, бошқаси беда, яна бири сув ташийди... Мана шунақа эътибор беришади бу тоғликлар ва бу воқеани йиллар давомида эслаб, тўлқинланиб болалари, набираларига ҳикоя қилиб юрадилар.

Полвон ҳам худди чавандоз сингари эъзозланиб уй тўрига ўтқазилади, бир тахт кўрпа-тўшакдан, ҳали ишлатилмаган яп-янги болишлардан берилади. Хўш, бунда қандай ҳикмат бор, деб ажаблангандирсиз? Рости, ўзим ҳам неча бор ҳайратланганман. Балки, тўй бунга сабабдир. Ахир, биз чавандозниям, полвонниям фақат тўйларда кўрардик-да.

Одатда қишлоғимизда тўй кузда бўларди. Ёш бола бўлсак-да, борардик. Бунга биргина сабаб: кураш. Тўйдан бир ой олдин овозаю достон бундай бўларди: фалончи полвон келармиш, фалончи полвонни енгармиш, фалончи полвон ҳеч кимга тик қарамаган, ҳеч кимни ерга теккизмаган, ҳеч кимдан ҳеч нарсани ютқазмаган, пистонча полвон келмас экан. Бирор сайҳонликдами, майдондами кураш бошланарди. Аввалига икки ёши улуғ — отахон курашгандек қучоқлашар, уларга сарпо — желак, чопон берилар кейин биз болалар даврага чумчуқдай ёпирилардик. Бола ёшимизга мос бўлган совринни олиб давра четида саф тортар ва катта полвонларнинг курашини томоша қилардик. Бошқа томоша бўлмас ва энг алам қилгани — шу билан кейинги тўйни кутиб юрардик.

Ифтихор


Даврага чиқдингми, ҳалол кураш. Полвоннинг амалу тадбирига заррача ғирром аралашиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам “полвон” билан “мард” сўзлари ҳамиша ёнма-ён қўлланиб келинган.

Полвонларда олийжаноблик, инсонийлик, ҳатто рақибига нисбатан ҳурмат энг олдинги ўринда туради.

Спортнинг фалсафаси мардлик, рақибга ҳурмат, инсонийлик ва шунга муштарак туйғуларнинг йиғиндисидир. Кураш уч ярим минг йиллик тарихга эга бўлиб, бир неча асрлардан буён ўт-ўланлар устида, бирор сайҳонликда ёки тўй-ҳашамларда, сайилларда ўтказилган бўлса, расман 1991 йилдан бошлаб мусобақа майдонида гилам устида янги қоидалар билан ўтказила бошланди.

Президент совғаси учун 1992 Шаҳрисабзда Амир Темур (тўрт йилда бир марта), Термиз шаҳрида Ҳаким ат-Термизий хотирасига (икки йилда бир марта) бағишлаб ўтказилган турнирлар етти иқлимни курашга бўлган қизиқишини орттирди ва бутун дунёда соф ўзбекча: “кураш”, “таъзим”, “тўхта”, “ёнбош”, “чала”, “дакки”, “ҳалол” сингари сўзлар янграй бошлади.

Олийжаноб хислатларни ўзида мужассам этган ва инсонийлик ғоялари билан йўғрилган кураш адолатли қоидалари, чиройли усуллари билан жаҳон халқларининг ҳурматига сазовор бўлди. Ва бу спорт тури бўйича ўтказилаётган жаҳон чемпионати дунё аҳлига ёркин таассуротлар, завқу шавқ бағишлади. Африкалик жаноб Андре Френч: “Биз — Африкада яшовчи халқлар миллатимизнинг, мамлакатимизнинг беш юз-олти юз, борингки, минг йиллик тарихи эмас, ҳатто ўзбек миллатининг биргина қадрияти — (аслида қадрияти кўп демоқчи *С.Т*) кураш тарихи уч минг йилга тенглигини эшитиб, тўғриси, сизларга ҳавасим келди” деса, эстониялик Тону Луме ҳам ҳайратини яширишни истамай, бундай фикр билдирибди: “Кураш мусобақаси мени ўта ҳайратлантирадиган даражада ўзига жалб қилди. Полвонларнинг бел олишлари, майдондаги ҳаракатлари дунёда бундай спорт тури йўқ эканлигидан гувоҳлик беради”. Бу каби ҳайрату ҳавасга йўғрилган фикрларни дунёнинг турли мамлакатида яшовчи одамлардан эшитиш мумкин. Бу эътироф ҳам, фахр ҳам бир қанча ойдин туйғуларга ошно этади кишини.



Мана, бир вақтлар — дўппидек қишлоқ, тоғу даштда маълум бўлган кураш бугун дунё саҳнасида ўзини бутун бўй-басти билан намоён этди. Яқинда Осиёнинг ўттиздан ортиқ мамлакати 16-17-18 ноябр кунлари Таиланднинг Пхукет оролида бўлиб ўтадиган Соҳил кураши чемпионатида қатнашишга, имкониятларини синаб кўришга майл билдирганлар. Курашнинг йилдан йилга оммалашиб боришига сабаб нима? Спортнинг қайси турида ғирромлик бўлмаса, ҳалоллик устун турса, қолаверса, иштирокчининг жароҳат олиш хавфи имкон қадар кам бўлса, бу соҳага қизиқиш ўз-ўзидан кучаяверади. Ўзбек курашининг айнан мана шу жиҳатлари спортчиларни ўзига жалб этган бўлса не ажаб?

Кураш халқимизнинг гўзал қадриятларидан биридир. Гўзаллиги шундаки, у асрлар давомида шаклланди, такомиллашди, ақидалари умумбашарий фалсафа билан уйғунлашиб кетди. Халқимиз маънавияти ва руҳиятининг таянч нуқталаридан бирига айланди.

Ниятни катта қилинг, тоғдай сўрасанг қирдай беради, дейди кексалар. Ҳа, биз ниятни катта қиламиз, тоғдай сўраб тоғдай оламиз. Бизнинг ниятимиз — миллий курашимиз ҳам жаҳон Олимпиадалари спорт турларига киритилажак. Аслида Таиландда ўтказилаётган мусобақанинг ҳам асл мақсади шу.

Санжар ТУРСУНОВ

Фармон ТОШЕВ

МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ

АҲДИМНИ ЁЗ

«Эй қалам, ёзсанг агар қалбимни ёз»[1],
Қалбдаги туйғуларим – дардимни ёз.

Рост демакка аҳд қилиб эрдим, вале,
Излама ташбеҳ, гўзал аҳдимни ёз.

Ҳур Ватан оғушида толеъ насиб,
Беназир, бекам, тугал бахтимни ёз.

Хўп эришдимки буюк иқболга мен,
Эркли, ҳур ўзбек деган тахтимни ёз.

Шу улуғ юртим, элимга жон фидо,
Дилдаги эзгу ният, шаҳдимни ёз.

Фармоно ёлғон демакдин ор қилур,
Эй қалам, ўтрук нечун, нақдимни ёз.

КОМРОН ЭТАЙ

Дилрабо, жонимниму қурбон этай,
Бу ҳалак жисмимниму бежон этай.

Менқу бир парвонадек овворамен,
Ошиқ аҳлин ҳуснинга гирён этай.

Муддаойим бир нафас ҳамдам бўлиш,
Кел, висол бирла дилим шодон этай.

Келмасун ағёрларим ёр қошинга,
Шаҳд ила ҳолин барин ҳайрон этай.

Бир назар солсанг. ёришгай тунларим,
Беадад туйғуларим уммон этай.

То ҳануз ҳижрон ўтида ёнамен,
Хоксор қалбимни, ёр, комрон этай.

Дейдилар: қилмас вафо гулчеҳралар,
Мен ғаним ўтрукларин ёлғон этай.

Васфинга Фармон неча битгай ғазал,
Бул баёзларга дилим жавон этай.

БИЛМИШАМ

Тўрт фасл бағрини гулшан билмишам,
Бул Ватан унвонини шан билмишам.

Ул маним қонимда ва жонимдадур,
Сийратин – жон, сувратин – тан билмишам.

Тушса гар ташвиш менга – тақдир иши,
Тушса гар эл бошига ғам билмишам.

Ким севар бўлса менингдек юртини,
Мен ани қондошу ҳамдам билмишам.

Айламак амрини вожиб фарзу қарз,
Қанча қилмай хизматим кам билмишам.



Суҳбатига чорласин, майли, бироқ,
Юртига беғамни душман билмишам.

Фармоно истар дуо халқдин мудом,
Ҳар дуодан ўзни бардам билмишам.

АЙЛАМИШ

Ким сени мақтаб мудом ҳамд айламиш,
Бўл огоҳ, ул бир куни панд айламиш.

Кўнгли ҳар он эзгуликка ошино,
Ким муҳаббатга дилин банд айламиш.

Ҳар савод берган муаллим пир эмас,
Устоз ул — шогирдин фарзанд айламиш.

Истаса толиб улуғликни ният,
Феълини устозга монанд айламиш.

Ҳар ўғил-қизга берурсан эътибор,
Ки камоли тақдиринг қанд айламиш.

Қил тафаккур, айла лутф одам каби,
Ақлу тилни бизга маснад* айламиш.

Кимки қолдиргай юмушни эртага,
Оқибат ташвишни тирбанд айламиш.

Бир умр халқ меҳрига лойиқ яша,
Борлиғинг шу элга пайванд айламиш.

Фармоно, бўлсин ғуруринг кўк қадар,
Ҳақ сенга юртинг Самарқанд айламиш.

1.Ўлмас Жамол сатри.
2.Маснад-(арабча) — юксак ўрин, олий мақом.

Фармон ТОШЕВ *1954 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Онанг тирик, болам”, “Мен ёмғирли кунда келаман”, “Отамнинг сабоқлари”, “Сўз айтмоқ саодати” сингари китоблар муаллифи.*

Аслиддин САБРИДДИНОВ

Илк танишув

ВАТАННИ ЮРАККА АЙЛАНТИРАМИЗ

ШЕЪР — КЎНГИЛ КЎЗИДАГИ НУР

Шеър — қалб уммонидаги дур. Шеър — кўнгил кўзидаги нур. Бу иккисин соҳиби бўлмоқ ҳар кимсанинг қўлидан келадиган иш эмас. Нурга-ку, бор мавжудот талпинади. Чунки нур ҳаёт манбаи. Аммо муҳаббат нури ошиқ кўнгилларнинг кўзларидагина порлаб туради. Муҳаббат дурига етмоқ учун ҳам жон тикмоқ қасдига тайёр турмоқ лозим. Яна айтиш мумкинки, бу чекилгувчи заҳматларга қўйилган илк қадам.

Шоирликни шараф деб ўйлаганлар илк қадамни ҳавас билан қўядилар. Туйғулар гулдастаси ҳавас гулдонида жилоланади. Шоир ўртанади, сатрлар садоланади... Наздида ундан бахтли, ундан буюк инсон йўқдек... Яна шу ўринда шеърни ақлу тафаккур, муҳаббат қуёшидан озиқланувчи ниҳолга менгзаш мумкин. Зеро, тафаккурда ҳикмат бор. Муҳаббатда меҳр мужассам. Оч кўнгилга ҳикмат, зор кўнгилга муҳаббат, дардманларга эса меҳр даркор. Шеърдан ҳикмат, муҳаббат, меҳр топган ўқувчи тилла топган гадодан ҳам зиёда қувонч билан юради. Чунки ахтарганини топган инсон бахтли ҳамиша.

Аслиддин Паркентнинг тоза ҳаволарида тобланаётган, туйғулари тиниқ, орзулари осмон, нияти бахайр ёш ижодкор. У 9-синф ўқувчиси. Аслида шеър ўқиган ўқувчи шоирнинг ёшини суриштирмайди. Наздимда Аслиддин ўзига талабни ана шу мезондан қўяётган кўринади ва бу мени қувонтирди.

Бугун чалинади ҳаёт достони,
Қалбларга кўчириб чаманистонни.
Ҳали кўрасизлар Ўзбекистонни,
Буюк бир юракка айлантирамиз.

Аслиддин сўздан ранг, сўздан муҳаббат излаётган ёш ижодкор. Унинг содда, дўлворлиги ҳам ўзига ярашади. Ниятим, сохта ғурур, сохта ифтихордан йироқ юриб, шеърият бўстонида ўз нури, ўз қадри, ўз овози билан одимласин.

Маҳмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

ВАТАН

Нурга чайиб олар оламни қуёш,
Юзимга босади қайноқ тафтини,
Уйқудан кўз очиб кўтарсам мен бош,
Замин узра ёяр иссиқ кафтини.

Сойлардаги сувлар оқар шилдираб,
Овози ўхшайди бир ажиб куйга,
Баҳра олиб ундан гуллар ифорлаб,
Яшамоқ ҳиссини беради менга.

Таъриф, таснифига айтсам бир достон,
Озод юртда олам бўлар гулистон.
Қалбда меҳринг жўшиб ҳар дам айтаман,
Бугун нурга тўлган ҳур Ўзбекистон.

ЁШЛАР

Бизни билмабсиз-да, бизлар бошқача,
Осмонни тиргакка айлантирамиз.
Йўлдан тош чиқса гар юзидан ўпиб,
Чўғдай бир юракка айлантирамиз.

Даштнимас энг баланд чўққини кўзлаб,
Ётни дўстим дея, кичикни сизлаб.
Гапирсак биз фақат юракдан сўзлаб,
Дунёни эртакка айлантирамиз.

Бугун чалинади ҳаёт достони,
Қалбларга кўчириб чаманистонни.
Ҳали кўрасизлар Ўзбекистонни,
Буюк бир юракка айлантирамиз.


КЕЧАДАН БУГУНГА

Саҳар очдим бугун кўзимни,
Қуёш чиқар алам ўчида.
Ватан, Қодирийлар юрибди унда,
Кўчаларда оёқ учида.

Ичимиздан чиқди душманлар.
Кўрганини отиб ташлайди.
Сибиргача борган хатларинг,
Юрагимни тилиб ташлайди.

Бор-йўғидан айрилган ота,
Бир гўдакка қайрилган ота.
Кўчага чиқ кетмонинг ташлаб —
Фашистларни бирма-бир от-а.

Кўксимизда бир шиддат ёнди,
Қулоқларга ким нима деган.
Шўроларнинг талвасалари —
Ҳовуч сувга арзимас экан.



Халқ Тўмарис, Халқ бу Широқдир.
Истиқлолим ўхшар туморга.
Биз тирмашиб чиқдик басма-бас.
Мустақиллик деган чиноргa.

Қўли кўкка етяпти мана,
Ёвга ёндош бўлмагай Халқим.
Шу қунгача ўлмади демак.
Бундан сўнг ҳам ўлмагай Халқим.

ТУН

Қуёш сингиб борар уфқ сандиғига,
Ҳаяжон кўчади, чўкар юрагим.
Шафақ гўё туннинг эгаси каби,
Тутатиб қўяди ҳаёт эртагин.

Алвасти, тўзиган, қоп-қора сочин,
Осмон узра ўраб чиқар эди тун.
Кўнглим кўчалари ичра оҳиста,
Сокинлик ўрнатиб қўярди бутун.

Ойнинг шуъласига чўкиб қолган дард,
Чигиртка чириллаб гўё карахтлар.
Мену туну кўкда ой билан бирга,
Суҳбат қурар эди кекса дарахтлар.

Қизиғандан қизир эди сўзимиз,
Қушлар сайраб қўяр эди жўрттага.
Суҳбатга қўшилиш ниятидами,
Охир қуёш келиб тушди ўртага.

ҚИЗҒАЛДОҚ

Инжуларга чаяр юзини,
Хиёл олиб қочар кўзини,
Шамолларга отар ўзини,
Қизғаначан қизғалдоқларни.

Қояларда чалиб ажиб соз,
Балқиб чиқар қандайдир овоз,
Юрак дейди, тинмай қани ёз,
Қизғаначан қизғалдоқларни.

Алла айтиб ўтар шалола,
Ариб кетар дилдаги нола,
Мен шунақа ошиқ бир бола,
Қизғаначан қизғалдоқларни.

Нафис бўлиб ялтираган гул,
Шамолларда қалтираган гул,
Гўё унинг асиридир дил,
Қизғаначан қизғалдоқларни.

АТИРГУЛ

Наво йўқдир,
Шўх булбуллар,
Мени тинглар,
Атиргуллар.
Осмон йироқ,
Қалбим қайноқ,
Келиб бир боқ,
Атиргуллар.
Лаблар қирмиз,
Нозли бир қиз,
Мен йўқ сенсиз,
Атиргуллар.
Нима керак,
Қонли юрак,
Оташқурак,
Атиргуллар.
Йиғлама хўп,
Келиб бир ўп,
Тикони кўп,
Атиргуллар.
Лаблар қирмиз,
Эсиз-эссиз,
Энди менсиз,
Атиргуллар.

КУЛЧАЛАР

Нигоҳим термулди сенга шунчалар,
Шунчалар гўзалсан ҳатто кунчалар,
Лабингни ёнида ёниб туради,
Мен ёпиб кетаётган ўша кулчалар.

Ҳаёнинг қўшиғи бунчалар сокин,
Ўзимдан-ўзимни тополмай қолдим.
Охирги кунларда ғафлат куй чалиб,
Охирги кулчани ёполмай қолдим.

Сулув сочларингга ошиқ эмасман,
Ошиқман ман узун тирноқларинга.
Кулчангни кўрсата кўрмагин сира,
Ҳасад босиб кетган ўртоқларинга.

Жинчалар, жинчалар торни жимчалар,
Менинг-чи кўксимни аста чимчилар,
Қучоқлар пўчоққа тўлиб кетаяпти,
Қучоқни тўлдирмас пўчоқ тўнчалар.

КЎНГИЛ

Боғларида гуллар, лолалар,
Шабнам томар қирмиз юзидан.
Орзуларим гўё болалар,
Учиб борар қушлар изидан.

Наъматакнинг сержило гули,
Йўлларимга сочар эди ранг.
Мен ҳам бўлдим кўнгилнинг қули,
Ўхшамадим отамга, аттанг.

Туйғуларим бирлан елади,
Адирларда шошқалоқ шамол.
Муҳаббатнинг иси келади,
Онам эккан райҳонлар мисол.

ҚИШЛОҒИМ

Осмон жимжит. Ўтаяпти аста тун,
Сокин ухлаяпти қишлоқ ҳаёти.
Деразамга сиққан улкан чўққилар,
Осмонларга гўё туташ қаноти.

Қишлоқ ухлаяпти менининг бағримда,
Ё мен унинг қайноқ бағрида уйғоқ.
Шу лаҳза у учун ёзгим келар шеър,
Шу лаҳза оташли юракда титроқ.

Бобомнинг чимирилган қошидек қари,
Лек тафти туғилган чақалоқдек ёш.
Гоҳо қувлашмачоқ ўйнар юлдузлар,
Ортидан етолмар овора қуёш.

Она қишлоқ, худди онамдек содда,
Оташқурак каби қизиган бағрим.
Нурли тишларидан бўлса бир тароқ,
Эринмасдан оппоқ сочинг тарардим.

Шеърларга беланган қирдаги шафақ,
Юрагимни эзар гулхан қийноғим.
Ахир недан, билмам, фахрланади,
Телба шоирлари бор бу қишлоғим.

БОЛАЛИК

Саҳар шовқинлари оҳиста бориб,
Шивирлар олтинбарг теракларига.
Болалик, алданиб ўтган дамларим,
Меҳрибон бувимнинг эртакларига.

Ҳаммани ҳайратга солардик боплаб,
Осмонни яшириб қўйинга гоҳи.
Қизғалдоқ лабидан ўпиб юрардик,
Биримиз — кийигу, биримиз — оҳу.

Кўклар кўзимизга туташиб кетган,
Юзларга қадалиқ майда юлдузлар.
Хаёлим ўғирлаб, сўнг ўзи аста,
Кўнглига беркитиб қўяр шўх қизлар.

Тутлар пишди яна, орзулар пишди,
Кўклардан кўксимга қизғалдоқ тушди.
Бугун нега билмам, товонларим ҳам
Ўз-ўзидан қаттиқ, қуруқ увушди.

Оймомо аллалаб ухлатар бизни,
Бу ҳаё фаслида, бу хаёл фасли.
Биз оддий боламас, юраклар кемтик,
Биз шоир нафасли, биз шоир асли.

Аслиддин САБРИДДИНОВ *1999 йилда туғилган. Айни пайтда Тошкент вилояти Паркент туманидаги 5-сонли ихтисослаштирилган мактабнинг 9-синф ўқувчиси.*

НЎ КЁНГ ШИ, корейс адиби

ШАМОЛ ЭСАР, ҚАЛБИМ ТЕБРАНАР...

Шамол эсар, тебранар қалбим,
Кўзимга ёш келади, нечун.
Балки орзум кўплиги учун...
Бироқ дардим тушунмас ҳеч ким.
Ҳатто кун ҳам дардим билмайди.
Агарда у тун бўлиб қолса,
Юлдуз ва ой чарақлаб ёнса.
Ўша орзум – шуни билсайди...

Шеъримни ўқиб бўлгач, сингилларимга қарадим.

— Опа, жуда ҳам таъсирчан шеър, – Мён Ҳонинг бу гапини эшитган Уни ҳам опасининг гапини қайтарди:

— Ҳа, ростдан ажойиб шеър, сиз албатта келажакда шоира бўласиз, – деди улар бир овоздан.

Сингилларимнинг бундай илиқ мақтовларидан кўнглим тоғдай кўтарилиб, оғзим қулоғимга етгудек хурсанд бўлдим. Бироқ онамнинг кескин нигоҳидан сесканиб кетдим. Ўзини кулгудан тўхтатиб турган одамга ўхшармиди, ёинки энди заҳрини сочмоқчи бўлгандай қиёфада эди. Кўрқиб онамга дедим:

— Онажон, шеърим яхши чиқибдими? Эртага мен уни ҳаммага ўқиб бермоқчиман. Ўқитувчимиз ижодкор ўқувчиларнинг шеърларини тўплаб, тўплам қилишини айтди. Меники ҳам чиқади-я? Сизга шеърим ёқдими? Биламан, ўзингиз ёшлигингизда шоира бўлишни орзу қилгансиз. Ўша орзуингизни мен амалга ошираман. Фақатгина сиз эмас, балки бутун мамлакат фахрланадиган Нобель мукофоти оламан.

Сўзлаётиб, ҳаяжонданми, кўрқувданми овозим титраб кетди. Шу дамда онамнинг кўзлари совуқ ялтираётгандек туюлди менга.

— Нобель мукофотини олмоқчимисан? Лекин мен шоирларга бундай мукофот берилиши ҳақида эшитмаган эканман. Бунинг устига ҳали сен менинг ушалмаган орзуларимни рўёбга чиқармоқчимисан? – дея онам менга ажабланиб тикилиб турди-да, гапида давом этди. – Ажойиб фикр, аммо ёзган шеърларим орасидан бирортаси ҳам нашр қилишга лойиқ деб топилмаган. Бу каби хом хаёлларни йиғиштиргин-да, бориб, дарсингни тайёрла.

Онамнинг кутилмаган гапларидан жуда ўксиндим, бирор сўз айтолмадим, юзларим қизарди, юрагим уриши тезлашди. Иккала синглим борлиги учун ғазабимни жиловладим. Хонамга югуриб бориб бақиргим келди. Илиқ тилаклар тилаган сингилларим олдида онам билан уришгим келмади. Босиқлик билан ўзимни оқламоқчи бўлдим.

— Нега ўз қизингизга ишонмайсиз? Шоира бўлолмаганингиз учун мени ҳам эплай олмайди, деб ўйлаяпсизми? Онажон, мен сизни тушунаман, менга оқ йўл тиланг, токи машҳур шоира бўлай. “Яхши асар ёзмоқчи бўлсанг, кўнглингдаги барча гапларни рўй-рост ёз, ижодинг – қалбинг кўзгусидир. Кўнгли қора кишининг ёзганлари ҳам қора бўлади”, дейди ўқитувчимиз.

Менинг гапим тугар-тугамас сингилларим қарсак чалиб юборишди.

— Мен ҳали бошланғич мактаб ўқувчиси бўлсамда, жуда кўп нарсани биламан. Ишонч билан айтаманки, албатта шоира бўламан, – дедим қатъий.

Сингилларимнинг олқишидан онам ҳеч нарса дея олмади, сўнг бошини қуйи солганча деди:

— Ҳи Жин, бу гал сен ҳақсан. Аммо бир шартим бор. Мабодо тўрт кун ичида шеъринг энг яхши, деб эътироф этилмаса, ҳовлини ўзинг тозалайсан.

Мен онамнинг бу гапларига пиқ этиб кулиб юбордим. Бунчалик ҳам қаттиққўл бўлманг, мана кўрасиз, ўқитувчимиз мени қўллаб-қувватлайди, дея хаёлимдан ўтказдим.

Мен ва онам мультфилмдаги Чанг У ва унинг онасига ўхшаймиз. Фақат мульфилмдаги Чанг У онасига қарши чиқади, бизнинг уйда эса онам менга қарши чиқмоқда. Биламан, қачондир онам мени тушунади, вақти-соати келиб агар қизим бўлса, уни бор меҳрим билан улғайтираман. Менинг бундай буюк қароримдан бехабар онам ошхонага ўтиб, баланд овозда гапирди:

— Мен ичимга сиғмас даржада бахтлиман, негаки, сен каби Нобель мукофотини олишга ҳаракат қилаётган қизим бор. Шоира бўла олмаган онангни ниятларини рўёбга чиқар.

Орадан уч кун ўтди. Пайшанба эди. Устозимиз ўзи танлаб олган шеърларнинг муаллифларини эълон қилди.

— Ким Ин Жу, Но Ён Кёнг, Пак Сок Донг, Мин Кёнг Тэ, Ким Мёнг Ук...

Уларнинг орасида мен йўқ эдим! Онамни ҳайратлантирадиган ишлар қилолмаслигимни ўйлаб, кўз олдим қоронғулашиб кетди. Бор жасоратимни йиғдим-да, журъат билан қўлимни кўтардим.

— Устоз, саволим бор эди.

— Хўш, эшитаман, – яшил кўйлак кийиб олган ўқитувчимиз кўзойнагининг остидан менга қаради.

— Устоз, нега менинг шеъримни танлаб олмадингиз?

Шу пайт синфдошларим “Вой, бунча қатъиятни қаердан олди?”, “Ҳи Жин жасоратли қиз чиқиб қолдими?”, дея кулишди. Шунча гапдан сўнг қизариб кетган бўлсам-да, жойимдан қимирламай, ўқитувчининг жавобини кутдим.

— Сенинг шеърингми? Шошмай тур, у нима ҳақида эди? – дея устоз дафтарга диққат билан тикилди.

— Устоз, майлими, – дея қўлимни силкитиб, боягидан ҳам баландроқ овозда гапирдим. – Устоз, шеъримни ўқиб бера қолай...

Бу сафар болалар бир овоздан “Гуруҳимиздан даҳо чиқибди”, дея баралла бақиришди. Ва “Агар Ҳи Жиннинг шеърини чиқариб бермасангиз, у йиғлайди”, дея қўшиб қўйишди. Мен бу гапларига жавобан уларга жаҳл билан қараб қўйдим.

— Ҳи Жин, шеърингни айтиб берасанми? – деди ўқитувчимиз.

— Ҳа! – дея қатъиятли жавоб бердим.

Сўнгра ёзганларимни ўқишга шайланиб, жўрттага йўталиб қўйдим. Болаларнинг ҳаммаси нафасларини ичга ютиб, менга тикилиб туришарди.

Шеърини айта олармикан, йўқми, дея қараб турган болалар...

Нима ҳақда ўқиб берар экан, дея ўйларга кўмилиб турган болалар...

Бор кучимни йиғиб, кўзимни юмдим. Кўзларимни юмганим гўё менга куч бағишлагандек бўлди.

Шамол эсар, тебранар қалбим,
Кўзимга ёш келади, нечун.
Балки орзум кўплиги учун...

Мен шеъримни айтиб бўлганимдан сўнг кулгу овози анчагача тинмади.

— Бу шеърми ёки қўшиқми?

— Орзулари бисёр қиз нега йиғлайди? Ойинг кийим олиб бермадими?

— Бу шеърни кечаси билан ухламай ёзибди, шекилли.

Болаларнинг гапларидан ўксиниб, кўзларим намланди. Аммо бироздан сўнг, қалбимдаги қувонч қирғоқларидан тошиб, кўзларимдан ростакамига севинч ёшлари чиқиб кетди. Устозим мен каби қалби қайноқ қизнинг шеърлари албатта ўз мухлисларини топади, деди. Менинг шеъримни ҳам танланганлар орасига қўшиб қўйди.

Бахтлилигимнинг яна бир сабаби бор. Уйга боргач, ҳовлини ҳам тозалайман, яна онамга ўқитувчимизнинг гапларини айтганимдан сўнг хурсанд бўлади. Мен жуда бахтиёрман. Онам мендек қизи борлигидан фахланса арзийди.

Корейс тилидан
Малоҳат ҒАФФОРОВА таржимаси

М.ҒАФФОРОВА 1991 йилда туғилган. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг IV курс талабаси.

СЎЗ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

“Хамса”да сўз, қалам, якқалам образларининг поэтик хусусиятлари

Сўз ниҳоятда қадимий рамзий образ. “Авесто”да келтирилишича, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи олти қасамнинг биринчиси сўз қасами бўлган. Сўз қасами бузилса гуноҳ ҳисобланиб, товон тўлаш мажбурияти юклатилган. “Садди Искандарий”да эса, бу сўз гарови тарзида учрайди. Демак, сўз билан боғлиқ сўз қасами гуноҳ, тавба, гаров ва кафорат рамзи, одат ҳуқуқининг кўриниши ҳамдир.

Шарқ мумтоз сўз санъаткорларининг сўз, қалам, бадиий ижод жараёни ҳақидаги изоҳ ва шарҳлари, аслида Қуръони каримга асосланади. Зеро, сўз дунё ва инсониятнинг бош асоси, ўн сакиз минг олам ва ундаги сирларнинг яралиш заминидир. Шунинг учун ҳам улар олам, дунё, борлиқ, олам аҳлидан аввал сўз яралганини алоҳида таъкидлаб кўрсатадилар. Бу сўз эса “ярал”, “пайдо бўл”, “ижод қил” каби маъноларни англатувчи “Кун” амридир. Навоий ўз ижодида, хусусан, “Хамса” достонларида “Кун” амрини бутун моҳияти билан очиб беришга интилган. “Сўз – бир, сайқали – қирқ” халқ ибораси доирасида китобхон ўқиса мазмунли, тингласа фойдали поэтик тасвирлар яратган.

“Хамса”нинг дастлабки достони бўлган “Ҳайрат ул-аброр”да ва сўнгги достон “Садди Искандарий”да Навоий “кун”, “сўз”, “қалам”, “якқалам” рамзий образларига бошқа достонларига нисбатан батафсил тўхталган. Масалан, якқалам рамзий образи фақат “Ҳайрат ул-аброр” ва “Садди Искандарий”да учрайди. Беш достондаги умумий жиҳат шуки, барча таърифларда анъанавийлик тизими мавжуд. Бу “кун” сўзининг ёзилиши ва маъноси билан боғлиқ.



“Ҳайрат ул-аброр”нинг “Сўз таърифидаким” бобидаги мазкур байтлар диққатга сазовор:

Бу икки яфроғни қачон зуфунун,
Бир-бирига қўйса, бўлур “кофу нун”.
Даҳри муқайяд била озодаси,
Барча эрур “коф” ила “нун” зодаси.
Зодасидин зода бўлуб беадад,
Зодага ҳам волид ўлуб, ҳам валад.
Васф не навъ ўлғай анга эл сўзи,
Ҳар не сўз айтилса, эрур чун ўзи!

Ушбу парчада бизни Навоий сўз рамзий образи билан таъриф-тавсиф усулида таништиради: “икки япроқ”, “даҳри муқайяд”, “эл сўзи” каби ёрқин, ўзига хос образли ифодалар, “зода”, “валид”, “сўз”, “не” сингари такрорлар яратадики, булар асарнинг эстетик таъсирчанлигини бир маромда таъминлаган, “Ҳар не сўз айтилса, эрур чун ўзи!” каби фикрдаги мантиқийликни кучайтирган.

Навоий “Лайли ва Мажнун” достони V бобининг илк байтларида “Сўз гавҳари васфида” бир неча сўз ёзади. Жумладан, “кун” сўзи ҳақида ҳам лирик тасвир ва ибратли фикрларини, яъни “фаякун” – бутун борлиқ ва “садо” тимсолида очиб беради:

Ким бўлди чу амри “Кун!” ҳувайдо,
Бўлди “фаякун” гулуси пайдо.
Бас, аввалғи садо сўз бўлғай,
Ҳар савтқа садо сўз ўлғай.

Сўнгра “Кун!” амрига мурожаат қиларкан, унга таронага йўғрилган қатор мисраларни бағишлайдики, гўё шоир бу сўз учун алоҳида “Сенсен” номли куй басталагандек, туганмас хазина топгандек:

Эй сўз, не бало ажаб гуҳарсен,
Гавҳар неки, баҳру мавжварсен...
Айтиб совумас тарона сенсен,
Олиб қурумас хизона сенсен.

Байтлардан ҳам кўриниб турибдики, Навоий сўз рамзини мадҳ қилиш билан кифояланмай, ўз туйғу ва ҳиссиётларини ҳам акс эттирган. Бу ҳолатни шоирнинг “Эй сўз” мурожаати ҳамда “сенсен” радифи таъминлаган.

“Сўз”, “қалам” ҳақидаги бобларда Навоийга хос поэтик тасвирни, руҳий интилишни сезиш мумкин. Бир томондан, бу – шоир руҳининг, қалбининг сўзга, қаламга нисбатан меҳру муҳаббати, кенгфеъллиги бўлса, иккинчи томондан, мутафаккир Навоийнинг баҳсу мунозараларидир. Шоирнинг бу ҳолатини сўз ҳақидаги ҳикматга – шоҳбайтга айланиб улгурган қуйидаги мисраларида кузатиш мумкин:

Оллоҳ, Оллоҳ, не сўздурур бу сўз,
Мундин ортиқ яна бўлурму сўз?
Жисм бўстонига шажар сўздур,
Руҳ ашжориға самар сўздур.

Диққат қилсак, шоир биринчи ва иккинчи мисраларда риторик сўроқ гаплардан фойдаланган ва риторик сўроқ гапларга мос “сўз” радифларини яратган. Кейинги икки мисрада ҳам “сўздур” радифини қўллаб, бир-бирига яқин жисм – руҳ, бўстон – шажар, ашжор – самар сўзлари воситасида таносиб санъатининг бетакрор намунасини ижод қилган.

“Ўзим сори боқма, сўзим сори боқ”, дея Навоий ўз сўзи, ўз қалами тимсолида назарий қарашларини баён этади. Жумладан, “Сабъаи сайёр”нинг VI бобида сўзни илм-фан деб таништиради:

Бўйла сўз фаннида чиқорғон исм,
Қилди услубини анинг ики қисм.
Ҳар киши қилмоқ истаса маълум,
Бирини мансур эрур, бири манзум.
Насру назми ангаки мудракдур,
Назмининг пояси бийикракдур.

Сўз рамзий образида адабиётшунос сифатида Навоий наср, назм, маснавий, ғазал каби тур ва жанрларни таъриф ва тавсиф этади. “Назмнинг пояси бийикракдур” тарзидаги хулосасини ўз ижодий тажрибасига таяниб, “Назм ичра ўзга ҳолат бор” деган назарий фикр билан асослайди.

“Хамса”да “қалам” образи ҳам “сўз” образи каби таъриф ва тавсиф қилинади. Навоий қаламни килк, тақдир қалами, қазо қалами, шоир қалами каби шаклларда қўллайди ҳамда қалам ва ижодкор, қалам ва довот, қалам ва варақ, қалам ва сўз сингари ўзаро тенг муносабатли сўзларнинг бадиий чизгиларини яратади. Ўқувчини ижодкорларнинг асарлари сўз ва қалам боис халқ орасида тарқалишига, авлоддан авлодга маънавий мерос бўлиб қолишига ўз асарлари мисолида ишонтиради:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси ҳуд менингдур.
Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табриз
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.
Кўнгул бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балки туркмон ҳам.
Не мулк ичраки бир фармон йибордим,
Анинг забтиға бир девон йибордим.

Ушбу байтларда Навоий фахрия санъатини қўллаб, бутун туркий халқлар меники бўлди, мен Хитойдан Хуросонгача асарларим – девонларим, умуман, сўзларим, қаламим билан забт этдим, дея ифтихор қилади.

“Садди Искандарий”нинг “Искандар ишларининг тафсили” бобидан:

Қуёшдек сипеҳр узра тортиб алам,
Юриб олди олам юзин якқалам.

Навоий алам – якқалам шаклида қофия яратиб, сўз ўйини ҳосил қилади. Яъни “алам” сўзининг биринчи маъноси азобу уқубатлар бўлса, иккинчи маъноси давлат рамзларидан бири байроқдир. Жаҳондорлик дунё шоҳларининг ҳаммасига ҳам насиб этмаган, жаҳонгирликнинг азобу алами ҳам, машаққатлари ҳам зиёда бўлган. Чеккан машаққатларига яраша алам – байроқлари юқори кўтарилган, ўз даври ҳукмдорларига байроқдорлик қилган каби фикрларни шоир Искандар мисолида тушунтириб, поэтик тасвирлайди. Якқаламнинг биринчи маъноси ҳукмдорнинг ўзига ишорадир, иккинчи маъноси, ушбу боб сюжети мисолида айтсак, шоҳнинг ўзи қўлга киритган йигирмадан ортиқ мамлакат ва сув оламини бир ҳукм остида бирлаштиришдаги маҳорати ва мақомига ишорадир.

459 нафар қалам аҳлига тўхталган “Мажолис ун-нафоис” асарини ушбу мавзуга боғлаб, тарихий-қиёсий таҳлил қилганимизда маълум бўлдики, Навоий ягоналик ва моҳирлик маъносида якқалам образини нафақат машҳур шоир, машҳур асар ёки ҳукмдорларга, балки машҳур хаттотлар, адолатпеша қозиларга ҳам нисбат беради. Бу асарда якқалам унвонини олган машҳур хаттот Мавлоно Султон Али, адолатпеша қози Хожа Хурд тилга олинган. Бу ҳақда шундай маълумотларни учратамиз. “Мавлоно Султон Али Машҳадлиғдур. Бу кун Хуросонда ва оламнинг аксар билодида “настаълиқ” хатида қиблат ул-куттобдур ва китобат мулкининг қаламрави якқалама анга мусалламдур”. Ушбу эътирофдаги қалам билан боғлиқ “қиблат ул-куттоб” – котиблар қибласи номли лақаб ва унвон ҳақидаги маълумот ҳам эътиборга молик. Ёки: “Хожа Хурд – Самарқанд тахтининг якқалама қозиси ва Улуғбек Мирзо мадрасасининг мударрисидир”, деган маълумот ҳам фикримизга далилдир. Асарда Навоий лутф ва муболаға усулида қалам тили, қаламзан, қалам илги ибораларини ҳам қўллаган: “Мир Ҳусайн Муаммоий – Нишопурдиндур. Шаҳрда таҳсил қилди. Онча ҳамида ахлоқ ва писандида атвори борким, шарҳидин қалам тили ва қаламзан илиги ожиздур”. Навоий “Хамса”да қўллаган якқалам тимсоли Низомий ва у яратган “Хамса”га, туркий тил мақомига нисбатан қўлланган бўлса-да, умуман, поэтик тасвир ҳамда образли фикрлашда якқалам Навоийнинг ўзига, ўзи яратган илк туркий “Хамса”га, унинг сўз оламидаги бетакрор маънавий хазина эканлигига, сўз мулкидаги мақомига нисбатан ишора борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Улуғ шоирнинг ушбу байти фикримизга бир далил:

Бу беш ганжниким, кушод айладим,
Варақ узра они савод айладим.

Таниқли навоийшунос Иброҳим Ҳаққул Навоийнинг сўз, қалам билан ишлаш маҳоратини рамзий маънода таърифлаб, “Сўздаги ўзлик” рисоласини ёзди. Унда, Навоийнинг ўз сўзлари билан айтганда, “Ки, сўз тахтида бўлдим оромгир” каби эътирофи исботини топган.

“Садди Искандарий” достонида Навоий ҳукмдор Доро тилидан сўзни васият, ният маъноларида ҳам ишлатган (“*Ким: Ул уч сўзум – уч васиятдурур – Ки, изҳору кўнглумга ниятдурур*”) бўлса, ушбу достонда сўзни ҳадис, ҳадисни сўз маъносида қуйидагича ифодалайди:

Таҳайюл аро борча бир навъ эмас,
Ҳадисин ики кимса бирдек демас.

Ҳатто “Арбаъин” асарида сўз – омонат, яхши сўз – садақа каби маъноларда қўллаб, қатор рубоийлар яратган улуғ шоир “Хамса”сида рақам – қалам, рақам – якқалам ёки аксинча қалам – рақам, якқалам – рақам шаклидаги қофиялар талайгина. Бу эса асарнинг бадиий жиҳатдан мукаммаллигини таъминлаш билан бирга, сўз юритилаётган рамзий образларнинг асардаги етакчи мавқеини таъмин этган.

Навоийнинг сўз мулкини забт этишдаги маҳоратини Ҳусайн Бойқаро шундай таърифлайди:

Эрур сўз мулкининг кишваристони,
Қаю кишваристон, хисравнишони.
Дема, хисравнишонким, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг соҳибқирони.

Маълумки, Алишер Навоий асарларида ҳар бир сўз муайян поэтик вазифани бажариб келади. Сўз, қалам, якқалам каби бадиий тимсол даражасига кўтарилган сўзлар бунинг ёрқин намунасидир.

Буробия РАЖАБОВА,
ЎзРФ Тил ва адабиёт институти илмий ходими

ҲАЙКАЛ ПОЙИДАГИ ЎЙЛАР

Садоқат, вафо ва матонат рамзига айланган Саидахон Зуннунова ва ўзбек миллий адабиётини эл севган асарлари билан бойитган атоқли адиб Саид Аҳмадга қўйилган ҳайкални зиёрат қилар эканман, яқин ўтмишдаги ҳаёт лавҳалари кўз ўнгимдан ўтаверди...

Саид Аҳмадни ноҳақдан қамаб ҳам тинчимаганлар Саидахонни сиқувга олар, азоблар: эринг “халқ душмани”, ундан воз кечсанг, ишларинг юришиб кетади, деб аврамоқчи бўлишарди. Бу вақтга келиб Саидахон самимий шеърлари билан халқимиз меҳрини қозонган, жумладан, мен ҳам унинг шеърларини севиб ўқир эдим.



1953 йил. Камина Тил ва адабиёт институтида бошлиқ ўринбосари лавозимида хизмат қилардим. Бир куни хонамга иккита масъул ходим кириб келди ва қўлимга бир даста қоғоз тутқазиб: “Бу халқ душмани Саид Аҳмаднинг хотини Саида Зуннунованинг асарлари. Уларни синчиклаб ўқиб, ҳаққоний фикрингизни айтасиз. Шуни ҳам билиб қўйингки, душманнинг хотинидан ғоявий соғлом асарлар чиқишига ишонмаймиз”, дейишди.

Менга уч кун муҳлат берилди. Барча ишларимни йиғиштириб, Саидахоннинг асарларини роҳатланиб ўқиб чиқиб, ғоявийсиёсий хато топа олмаганимни тушунтирдим. Улар эса: “Биз сизни иқтидорли, адолатли ёш олим десак, ишончимизни оқламадингиз. Мабодо Саид Аҳмад ошнангиз эмасми? Саида Зуннунова билан яқинлигингиз йўқми?”, деб сўроққа тутишди. Мен ўзимни босиб олиб: “Сизлар мендан ҳаққоний фикр айтишимни талаб қилдингизлар, талабларингизга амал қилдим. Сохта, ёлғон гап айтмайман”, дедим. Улар хуноб бўлиб, эшикни қарсиллатиб ёпиб, чиқиб кетишди. Узоқ вақтгача хавотирда яшадим.

Ўша вақтлар Саидахон ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан сиқиб қўйилганди. Асарлари босилмас, ишдан ҳайдашган эди. Саидахон эгилмади. Ҳаёти қил устида турганига қарамай виждонига хиёнат қилмади. У азоб-уқубатларга чидаса ҳам, эрига нисбатан адолатсизликларга чидай олмади, уларга қарши бош кўтарди. Тоза қалбига доғ туширмай, ўзбек аёлининг поклиги, мардлиги, садоқати нимага қодирлигини кўрсатди. Мен уларнинг ҳайкали қошида таъзим бажо этарканман, Саида Зуннунова ва Саид Аҳмаднинг бир-бирига садоқати, ижоддаги ҳамкорлиги ёшларимиз учун ибрат мактаби эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Театрда “Келинлар қўзғолони” комедиясининг намойиши бошланганда бу асар шов-шувларга сабаб бўлди. “Асар ҳаётни бузиб кўрсатади. Арзон кулгу қўзғайдиган примитив спектакль” деб, маломат тошини отганлар ҳам бўлди. Камина асарни жўшқин ҳимоя қилдим. Муаллиф менга қуйидаги хат билан асарини қолдирган эди: “Пьесани сизга қолдирдим. Бошқарма сизнинг фикрингизни билмоқчи. Агар лозим топсангиз, ўқиб, икки оғиз фикр билдирсангиз. Бу иккинчи вариант. Театр ишлаб, анча ўзгартишлар киритди. Мавзунинг ижтимоий моҳиятини ошириш учун анча деталлар, диалоглар киритди. Сизга самимий ҳурмат билан Саид Аҳмад...”.

Бу асарнинг саҳнада муқим қолишига театр жамоаси ва муаллиф билан биргаликда курашдик. Бу ҳақида Саид Аҳмаднинг қизи Нодирахон “Саид Аҳмад санъати” китобида ёзади: “Асарнинг тақдири (“Келинлар қўзғолони” — Ҳ.А.) хавф остида эди. Спектакль саҳна юзини кўриши учун кўп ҳаракат қилганлардан бири адабиётшунос Ҳ.Абдусаматов бўлган... Кўп фикр, тўқнашувлардан кейин “Келинлар қўзғолони” саҳна юзини кўрди”.

Мустақиллик даврида бу комедия халқ меҳрини қозонди.

Шундай инсонларни қадрлаб, уларнинг номларини абадийлаштириб ҳайкаллар ўрнатилиши Юртбошимизнинг адабиётга катта эътиборидан далолатдир. Бундан халқимиз мамнунлигига ишончимиз комил.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

Журналларни варақлаганда

“ГУЛИСТОН”, 2014 йил 4-сон



Журналнинг илк саҳифаси “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним” рукнидаги “Кўнгил байрами” мақоласи билан очилади. Унда мустақиллик байрами ва унинг ёшлар ҳаётидаги аҳамияти ҳусусида сўз юритилади. Тошкент техника университети доценти Файзулла Толиповнинг “Тошкент дарвозалари” мақоласида узоқ-яқин тарихимиздаги жой номлари ва улар билан боғлиқ масалалар, ёзувчи Миразиз Аъзамнинг Қатағон қурбонларини ёд этиш кунига бағишланган “Гулларнинг юлиниши” мақоласида мустамлака даври қурбонлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ўтказилган бир қатор тадбирлар ҳақидаги таҳлилий мақолалар “Тадбир” рукнида ёритилган. Шунингдек, Алишер Йўлдошевнинг “Идрок қилиш зарурияти”, Боймирза Ўроқовнинг “Чечан айтимчи”, Шерзод Пирматовнинг “Санъатдан яралган саодат”, Набижон Қодировнинг “Ўқитишда анъаналарнинг ўрни”, Феруза Мансурбекованинг “Ўзбек хор санъати тарихи”, Фаррух Эгамбердиевнинг “Санъат бизнес...ми?” сингари бир қатор мақолаларида санъатнинг турли соҳаларидаги етакчи мавзулар қаламга олинган.

Адабиёт ихлосмандлари “Ифор” рукнида шоир Абдусаид Кўчимовнинг бир неча шеърларини, “Ўзбек насри” рукнида ёзувчи Аҳмад Аъзамнинг “Қуроқ” қиссаси якунини ва шу қиссага ёзувчи Назар Эшонқулнинг “Ўзни излаб” тақризини, Бахтиёр Нуриддиновнинг “Нурбола” эртагини, ёш шоира Зумрад Машариповнинг машқларини ўқишлари мумкин.

Нигина Ғуломованинг санъатшунос Бинафша Нодир билан суҳбатида либослар ва дид масаласида баҳс юритилади. Роза Ҳайитованинг “Йўл” мақоласи адабиётшунос олима Суйима Ғаниева фаолияти ҳақидаги шу номли филм таҳлилига бағишланган бўлса, Манзура Шамснинг “Биз орзу қилган кун” мақоласида тўйлар ва улар билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида фикр юритилади. Журналнинг ушбу сонидан яна бир қатор қизиқарли мақолалар жой олган.

ЛАТИФ ҲАМОҲАНГЛИК

Шеърият мухлислари ҳақли равишда Муҳаммад Юсуфни Ватан куйчиси, дейди. Зеро, шоир ижодида она-юрт шарафланмаган, Ватан шаъни куйланмаган ашъорлар кам топилади. Аллақачон халқ кўнглидан жой олган шеърлари туфайли у юртимизнинг таниқли, фахрли фарзандига айланган.

Президентимизнинг 2013 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори муносабати билан шоир ижодий меросига эътибор янада ортди, у ҳақда кўплаб хотиралар эълон қилинди. Мана, кейинги пайтларда ана шу ижодий мерос таҳлилига бағишланган илмий тадқиқотлар, рисолалар ҳам чоп этилаётир. Ушбу мавзудаги дастлабки изланишлардан бири адабиётшунос Адҳамбек Алимбековнинг “Адиб” нашриётида яқинда нашрдан чиққан “Латиф шеърият. Муҳаммад Юсуф ижодий портретига чизгилар” китобидир.



Рисоланинг “Кириш” қисмида муаллиф ўқувчини шоир таржимаи ҳолининг энг муҳим нуқталари билан таништиради: ўқувчилик ва талабалик йилларидаги ижодий машқлари, хизмат қилган таҳририятлар, таълим олган масканлар ҳақида маълумот беради. Бу маълумотлардан Муҳаммад Юсуфнинг “инсон сифатида ҳавас қилгулик фазилатлари” аниқ-тиниқ англашилиб туради.

А.Алимбеков рисолада шоир шеъриятини уларда ёритилган мавзулар нуқтаи назаридан таснифлаб таҳлилга киришади. Илк фаслда Ватан, халқ мадҳига бағишланган шеърлардаги оҳанг майинлиги теран фикрларнинг содда, қуйма мисраларга уйғун келишини “Биздан озод Ватан қолади”, “Фидойилар”, “Ватан”, “Она Туркистон”, “Ўзингдан қўймасин халқим”, “Ҳур ўлкам”, “Ўзбекистон” сингари шеърлар талқини орқали таъкидланади.

Ватан мавзусидаги, ватанпарварлик руҳидаги шеърларининг ижтимоий салмоғи ва бадиий сўз воситасида чизилган она-юртнинг гўзал поэтик қиёфаси ҳақида сўз юритаркан А.Алимбеков шоирнинг ютуғига омил бўлган хусусиятларни шундай тавсифлайди: “Муҳаммад Юсуф ватанпарварлик лирикасини халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиётимизда юрт мавзусида битилган асарларнинг энг яхши жиҳатларини улуғлаштирган тарзда давом эттириб, янгилаган шеърлар дейиш мумкин”.

Рисоланинг кейинги фасллари шеъриятнинг азалий ва абадий мавзулари — она, табиат ва муҳаббат мавзуларининг Муҳаммад Юсуф ижодидаги ўзига хос бадиий талқинлари таҳлилига бағишланган. Бунда адабиётшунос диққатини шоир шеърларидаги машҳур тимсолларга қаратади. Таниқли шоир Шавкат Раҳмон шеъридаги лолақизғалдоқ образини Муҳаммад Юсуф “қизғалдоқ”ларига қиёсларкан А.Алимбеков мазкур тимсолларнинг ҳар иккала шоир шеърларидаги уйғун ва фарқли жиҳатларга эътиборимизни тортади. Худди шунингдек, Муҳммад Юсуф суйиб ишлатган райҳон, ялпиз образларининг шеърларда турли мазмунни ифодалагани, умумун, табиат дунёсидан улги, тимсол, ташбеҳ олиб ёзилган асарларида шоир маҳорати қай тарзда намоён бўлгани “Капалак”, ”Ялпиз”, “Эрка кийик”, “Қалдирғоч” сингари шеърлар тадқиқи воситасида очиб берилади.

“Латиф шеърият” рисоласида муаллиф шоир шеърлари талқинида, достонлари таҳлилида ҳам асосий эътиборни ижодкор маҳоратини унинг сўзга муносабати орқали даллиллашга интилади: “Сўз” ҳақида шоир шеърларида қуйидагича мисраларнинг учраши бекор эмас: “Тундан сўз қарз олиб тонгга тутгувчи”, “Йўқса етмасмидик сўзнинг қадрига”, “Сўз отилган ўқ экан, Бағир ёққан чўғ экан , “Сўз бошида бош эгиб, тиз чўкканим рост”. Мана шу

Китобдан яхши дўст бўлмас

Абдуҳамид ХОЛМУРОДОВ,
филология фанлари доктори

Ортиқали Қозоқовнинг устахонаси мўйқалам соҳибларининг одатий ижодхонасига ўхшамайди. Бу ерда жангчи садоғидаги камон ўқлари мисол қалашган мўйқаламларни, шоирнинг оқ қоғозга тушар-тушмай букланган мисраларини ёдга солувчи тугалланмаган полотнолару турфа ранг қоришмаларини учратмайсиз. Қанчалик ҳайратланарли бўлмасин, рассом устахонасида тартиб ва озодалик ҳукмрон. Ундаги ҳеч бир ашё кераксиз ёки ортиқча бўлиб туюлмайди. Барчаси рассом картиналаридаги ранг ва шакллар каби мутаносибликда.

БЕОРОМ ТУЙҒУЛАР ТАЖАССУМИ

Учрашув

Ортиқали ака учун устахона шунчаки ижод маскани эмас. Австриялик машҳур рассом Густав Климт таъбири билан айтганда, “Мусаввирга илҳом бағишловчи фаришталар айнан шу осмонда парвоз этади.” Шу ердагина туганмас турмуш ташвишларини, шовқин-суронга тўла кундалик ҳаёт кечмишларини унутади. Эркин қуш мисол хаёли чорлаган уфқлар сари қанот қоқади. Бор-йўғи уч хонаю узун йўлакдан иборат устахона аслида рассомнинг чегара билмас тасаввур оламидир. Оҳори тўкилган бу деворлар неча юзлаб картиналарнинг дунёга келишига гувоҳ бўлмади дейсиз. Ҳа, рассомнинг рангин асарлари шу ерда илк бора кўз очади. Демакки, устахона нафақат рассом руҳиятини, балки унинг ижод йўлини ифодаловчи мўъжизавий бир маскандир.



Аввало девор юзини тўлдирган фотосуратлар жамламаси эътиборимни жалб этади. Қаршимда рассомнинг қарийб қирқ йиллик ижод йўли гавдаланади. Жаҳоннинг турли мамлакатларига уюштирилган ижодий сафарлар, машҳур рассомлар билан учрашув, гўзал табиат манзаралари, сирли ижод онлари... Уларнинг ҳар бири рассом учун қадрли эканини, унга илҳом бағишлашини ҳис қиламан.

Ушбу фотосуратлар рўпарасида турли даврларда яратилган йигирмага яқин автопортрет саф тортган. Мана, рассомнинг ўқувчилик йилларида қоралаган шахсий портрети. Оқ қоғозга қора қаламда чизилган асарда шундай бир эҳтирос мужассамки, тасвир санъатига муҳаббат ижодкор қалбида жуда эрта уйғонганига ишонч ҳосил қиламан. Суҳбатимиз одатдагидек, рассомнинг катта ижод оламига қадам қўйган дастлабки йиллардан бошланди.

Ортиқали Қозоқов ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида ўзбек рангтасвирига кириб келган янги авлод вакили. Миллий рангтасвир тушунчасини тубдан ўзгартиришга, янги ижод уфқларини кашф этишга ҳаракат қилган мўйқалам соҳиблари сингари унинг учун ҳам халқимизга хос миллий қадрият ва анъаналар, Шарқ мумтоз адабиёти, халқ оғзаки ижоди асосий манбага айланди. Гарчи ушбу ижодий тажрибалар натижасида яратилган картиналарга бирор-бир машҳур “изм” тамғасини босиш мушкул бўлса-да, рассомнинг таъкидлашича, уларга кенг маънода авангард анъаналари билан уйқаш ижод намуналари сифатида баҳо бериш мумкин.

Сўнгги йигирма йил О.Қозоқов учун ижодий эврилишларга бой бўлди. Баъзи ижодкорлар сингари шарқона рамзийлик, аллегория ва метафоралар оламида чекланиб қолишни истамади. Изланишлар жараёни рассомни янги ижод уфқлари сари бошлади. Портрет, манзара жанридаги асарларни яратишга эҳтиёж кучайишининг асл сабаби шунда. Бунинг тасдиғини сўнгги йилларда яратилган ранг-баранг мавзудаги асарларда кўрамиз. Уларнинг талайгина қисми устахонада жамланган. Миллий ҳунармандлик намуналари ифодаланган натюрмортлар, замондошларимиз қиёфаси акс этган портретлари гўзал табиат манзараларининг барчаси рассом ижодида янги йўл пайдо бўлганидан дарак беради. Шуни унутмаслик керакки, ижодкор ҳеч қачон соф реализмга интилмайди. Масалан, Фарғона водийсининг мафтункор табиат манзараларига бағишланган асарлар туркумининг деярли барчаси очиқ ҳавода яратилган. Айниқса, баҳор фаслининг фусункор манзаралари қалбингизда ажиб туйғуларни уйғотади. Қийғос очилган ўрик гулларининг хушбўй иси димоғингизни чулғаганини, баҳор шамоли юзингизни майин сийпалаётганини ҳис этасиз. Ваҳоланки, табиат манзараларининг ҳеч бири натуралистик аниқликда яратилмаган. Рассом кўрганларини шунчаки тасвирлаш билан чекланмайди. Картиналарида ҳаётий эмас, хаёлий тасаввур ранглари устун. Замондошларимиз қиёфаси акс этган портретлар, Темурий маликалар сиймолари ҳам шундай талқинга эга. Беихтиёр Пабло Пикассонинг машҳур сўзлари ёдимга тушади: “Скрипка қандай кўринишда экани барчага маълум. Ушбу чолғу асбобининг нусхасини яратишдан не фойда?! Мен скрипкани, унинг теран оҳангларини қандай ҳис қилишимни тасвирлайман.”

Бўёғи қотишга улгурмаган янги картиналарнинг ўткир ҳиди димоғимга урилади. Турфа асарлар орасида эртагу афсоналар асосида яратилган рамзий композициялар ҳам бор. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида ниш урган анъаналар рассом ижодида ҳамон барҳаёт эканига гувоҳ бўламан. Албатта, ранглар жилоси, шакллар уйғунлиги ўзгарган. Янги туркумдаги асарлар орасида “Бахт сайли” ўзига маҳлиё этади. Унда рассомнинг “Ов мавсуми”, “Дугоналар”, “Ҳилол”, “Кўк туя”, “Севишганлар” каби машҳур асарларига хос шаклий, ғоявий изланишлар учқуни бор. Туя устида кетаётган севишганлар тасвири шунчаки рамзийлик пойдеворига таянмаган. Йигит ва қиз қўлларининг нафис қовушуви муҳаббатга тўла икки қалб бирлашувини акс эттиради. Ошиқлар тасвири оқ матода бир-биридан ажралмас ягона вужудга айланади.

Нафис туйғулар тажассумидан сўз очувчи асарлар қаторида ижтимоий, фалсафий мазмунга эга картиналар ҳам учрайдики, булар рассом ижодий изланишларининг сарҳади тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради. “Ҳаёт — бу кураш” композициясида баҳсга киришган оқ ва қора танли полвонлар тасвирланади. Картинага синчиклаб назар солсангиз икки полвон атрофини Самарқанд, Париж, Лондон каби машҳур шаҳарларнинг рамзий тасвири қуршаганини пайқайсиз. Шундагина ижод намунасининг асл мазмуни ошкор бўлади. Рассом дунёни тобора забт этиб бораётган ўзбек миллий курашининг шуҳрати ва шавкатини ўзига хос ранг ва шакллар уйғунлигида акс эттиради.

Устахона тўридан жой олган ва қарийб уч ойдан буён рассом изланишларининг бош манзилига айланган “Хива афсонаси” ҳам ноанъанавий талқинга эга. Картина учун ўзига хос тасвирий ечим танланиб, биринчи планда қадимий шаҳарда сайр қилиб юрган қизалоқнинг ҳайрат тўла юз ифодаси акс этади. Унинг атрофини мавҳум мазмунга эга ранг ва шакллар, олис ўтмиш соялари қуршаган. Ортида эса Хива шаҳрининг машҳур меъморий обидалари бўй чўзади. Рассом бу орқали қадимий шаҳарнинг маҳобатли мадрасаю миноралари кўҳна тарих яшаринганини, гоҳида дунёдан бехабар қизалоқ сингари биз ҳам олис ўтмиш садоларига қулоқ солмай, шунчаки оддий томошабинга айланиб қолаётганимизни таъкидлайди, гўё.

Мамлакатимизнинг аксар истеъдодли рассомлари қатори Ортиқали Қозоқов ҳам хориж сафарларида мунтазам иштирок этади. Европа, Шарқий Осиё, Африка давлатларида ўтказилган кўргазма ва ижодий учрашувларнинг ҳеч бири бесамар кетмайди. Рассом дунёнинг қайси мамлакатида бўлмасин кўрган-кечирганларини оқ қоғозга муҳрлашни сира канда қилмайди. Ортиқали аканинг айтишича, хориж сафарлари чоғида вақт жуда зиқ бўлади. Ўзингга ёққан манзаранинг қоралама нусхасини яратишга ҳам улгурмайсан. Кўрганларингни бир нафасда муҳрлаш зарур бўлганда акварел жуда қўл келади. Рассом устахона бурчагидан жой олган йигирмадан ортиқ акварел асарларига аста ишора қилади. Уларни кўздан кечиришни бошларканман, ҳайрат ҳисси янада ошади. Ихчам кўринишдаги бу асарларни гўё бутунлай бошқа рассом яратгандек таассурот уйғонади. Тўрт аср муқаддам испан қуролининг “Енгилмас армада”си мағлуб этилган Ламанш бўғозининг мовий тўлқинлари, денгиз устида қад ростлаган Сандон (Корея республикаси) шаҳрининг осмонўпар миноралари, Гомер достонларида сайқал топган қадимий юнон устунлари тасвири жозибадор ва айни пайтда сирли ранглар жилосига чулғанган. Янги табиат манзаралари, турли урф-одат ва анъаналар билан учрашув рассом дунёқарашини бойитгани сезилади.

Хитой императорининг машҳур терракота армияси мисол саф тортган ўнлаб картиналарни кўздан кечиришда давом этарканман, ёз ойи рассом ижодида жуда сермаҳсул кечганига гувоҳ бўламан. Юлдуз мисол жилоланаётган картиналардан кўз қамашади. Дунёда бор-йўғи ўн икки ранг мавжуд эканига ишонгинг келмайди. Ва ниҳоят рассом ижодининг бош калитини топгандек бўламан. Ортиқали Қозоқов картиналари учун энг муҳим жиҳат — бу колорит, яъни ранглар мужассамлиги эканини тушунаман.

Дарҳақиқат, рассомнинг қайси бир асарига назар солманг, турфа ранглар уйғунлигига гувоҳ бўласиз. Барча ранглар оқ матода гўё рақсга тушади. Бир қарашда тартибсиз, мавҳум бўлиб туюлган қоришма ва суртмалар замирида мўйқалам соҳибининг асл ижодий идеали юз кўрсатади. Рассом рангларни жондилдан севади. Уларга интилади, соғинади... Мўйқаламининг ҳар бир ҳаракати гўё бир бўса, ҳар бир картина гўё ўтли висол тарихи. Рассомнинг рангларга муҳаббати мажнунлик уммони сингари улкан ва чексиз...

— Ҳар бир ранг рассом ижодида ўз умрига эга, — дейди Ортиқали ака янги тайёрланган ранглар қоришмасини намойиш қиларкан. — Мўйқалам соҳиби ҳаёти давомида уларнинг мазмунини англаб етишга ҳаракат қилади. Маълум бир рангларга ошуфталик рассом руҳиятидаги зиддият ва мураккабликларни ҳам ифодалайди. Ранглар билан мулоқот мен учун ниҳоятда муҳим. Гоҳида бир картинада ўнга яқин рангларни қўллашим мумкин. Бўёқ қоришмалари шу қадар қуюқлашиб кетадики, охир-оқибат излаганимдан кўра мутлақо бошқа жило пайдо бўлади. Шуниси ҳам борки, қанчалик ҳаракат қилмай, йигирма ёки ўн йил аввал қўлланган ранг қоришмаларига сира қайтолмайман. Баъзида бўёқларнинг бундай уйғунлигига қандай қилиб эришдим, дея иккиланиб қоламан. Ранглар ҳам инсон туйғуларига ўхшайди. Уларни бўйсундириш, қолипга солиш мушкул. Шамолни қафасга қамаб бўлмаганидек, ранглар жилосини ҳам тўсишнинг имкони йўқ.

Ортиқали Қозоқов катта ижод оламига қадам қўйган йилларда яратилган турфа ижод намуналари орасида шундай бир туркум асарлар учрайдики, уларда қора, зангори каби ранглардан кенг фойдаланилган. “Келажак билан суҳбат”, “Эски ҳовли”, “Кулфат ҳайқириғи”, “Қопқон”, “Адашган ой”, “Сукунат”... Ушбу картиналар ботинида қандайдир таҳлика, тушкунлик, юракни ўртайдиган шубҳа ва гумонлар яширинган. “Тегирмон” деб аталувчи шундай асарлардан бири устахона деворида ҳам осиғлиқ. Картинада қоронғи хона акс эттирилган бўлиб, марказда мудҳиш кулфатдан дарак берувчи тегирмон тоши жой олган. Хонага ёриб кирган қуёш нури ҳам зулматни енгишга қодир эмас. “Тегирмон”ни рассомнинг сўнгги йилларда яратилган умидбахш руҳдаги картиналари билан солиштираман. Мусаввир ижодида бундай кескин бурилиш қандай содир бўлди? Шубҳа ва гумонларнинг асл сабаби нимада? Ушбу саволлар билан Ортиқали акага юзланаман.

— Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида юз берган сиёсий, ижтимоий пўртаналар асорати бу, — дейди рассом. — Умидсизлик, қўрқув ҳиссини бу даврда ижод қилган кўплаб рассомлар картинасида учратиш мумкин. Юрт келажаги, халқ тақдири қалбимизни изтиробга тўлдирган эди. Хайриятки, ана шундай мураккаб даврда тўғри йўлни топишга эришдик. Халқимиз келажагини тегирмон тошида янчишни мақсад қилган кимсаларнинг ўзи ана шу қисматга дучор бўлди. Ватанимиз истиқлолнинг порлоқ қуёшига юз тутди. Миллий қадрият ва анъаналаримизнинг тикланиши, ҳайратомуз бунёдкорлик ишлари ижодимга янги илҳом, умидга, қувончга тўла ёрқин рангларни бахш этди. Ўнлаб кўргазмалар ташкил қилдим, дунёнинг турли мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек рангтасвири анъаналарини тарғиб қилиш ва ривожлантириш ишига ҳисса қўшдим. Буларнинг бари истиқлол шарофати билан амалга ошди.

Рассом сўзларидаги жўшқинлик аксини картиналарида ҳам кўриш мумкин. Мўйқалам соҳиби тинимсиз изланишда. Турли услуб ва йўналишдаги асарларни яратишдан сира чарчамайди. Ҳар куни янги ранглар жилваси кашф этилади, ҳар куни беором туйғулар тўлқини оқ мато соҳили билан учрашади. Рассом устахонаси ана шундай ажиб ҳодисотлар маскани. Унда мўъжизалар содир бўлиши мўъжиза ҳисобланмайди. Унда хаёлот олами чегара билмайди, ранглар инсонлар каби тилга киради, қувонади, изтиробга чекади. Зеро, бу ер шунчаки бир ижод маскани эмас. Рассом Ортиқали Қозоқовнинг илҳом фаришталари ана шу осмонда парвоз этади.

Азиз ИМОМОВ

***Ортиқали ҚОЗОҚОВ** 1960 йили Наманган вилоятида туғилган. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг рангтасвир бўлимини тугатган. 1998 йили “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби” фахрий унвони билан тақдирланган.*

ҚАДРИЯТЛАР МАЖМУАСИ

Ташаббус

Қадимий бебаҳо меъморий ёдгорликлари ҳамда кўркам замонавий қиёфаси билан жаҳонни лол қолдириб келаётган Самарқандда шаҳарликлар ва меҳмонлар диққатини тортадиган бир хонадон бор. Бу ерда тўпланган қўлёзма ва босма китоблар, миллий ҳунармандчилик намуналари, хусусан, ўймакорлик, зардўзлик, кулолчилик, темирчилик, қоғоз пуллар каби экспонатларни ҳайрат билан томоша қилиш мумкин.

— Узоқ йиллардан буён миллий ҳунармандчилик буюмларига, миллий қадрият ва маънавият каби тушунчаларни ўзида мужассам этган осори атиқаларга қизиқиб келаман, — дейди хонадон соҳиби Шавкат Раҳимов. — Ўтган асрнинг 80-йилларида хаёлимга қадимий буюмларни йиғиш фикри келганди. Шундан кейин яхши ниятлар билан тарихий буюмлар йиғишга киришдим. Дастлабки экспонатлар турли даврларга тааллуқли кўзачалар бўлди. Шундан сўнг мен билган ва мени яхши билган одамлар ёрдамида республикамиз бўйлаб ноёб буюмларни қидириб топдик. Бизда фақат ўзимизда ишлаб чиқарилган буюмларгина эмас, балки турли давлатлар тарихи билан боғлиқ антиқа экспонатлар ҳам бор. Ҳаммасини бўлимларга ажратиб жойлаганмиз. Ҳозирги кунда ўзимиздан ва дунёнинг 28 мамлакатидан келтирилган 4200 та



экспонатимиз бор. Шу кунларда ҳам изланишни тўхтатганимиз йўқ.

Дарҳақиқат, бу хонадонда экспонатлар ниҳоятда кўп ва хилма-хил. Масалан, ўзимизда зарб этилганлардан ташқари Исроил, Россия, Канада каби давлатларга тегишли пуллар ва тангалар қадимийлиги билан эътиборни тортади. Китоблар бўлимида илмий-маърифий, адабий-бадиий китоблар ниҳоятда кўп бўлиб, улар орасида муаллифи номаълумлари ҳам оз эмас. “Бобурнома”га ишланган миниатюралар, 1936 йили чоп этилган “Бухоро тарихи”, “История древнего Востока”, XIV асрда О.Д.Чехович таҳрири остида чоп этилган “Бухарские документы” каби китоблар шу бўлимда жойлашган.

Бундан ташқари, Америка, Индонезия, Белорусия, Россия, Украина ва бошқа давлатлардан келтирилган суратли китоблар, Испаниядан келтирилган Сервантеснинг “Дон Кихот” асари ҳам китоб мухлисларини қизиқтириши табиий.

Кулолчилик бўлимидаги буюмлар камида 200 йиллик тарихга эга. Улар орасида турли кўзачалар, ош лаганлар, катта ва кичик хумчалар, сопол кўза ва чойнак-пиёлалар, гулдонлар, шамдонлар, совғабоп санъат асарлари бор. Қадимий кулолчилик топилмалари, ясси ва чуқур лаган-патнислар, турли ҳажмдаги човгумлар, халқимизнинг ҳозиржавоб қаҳрамони Насриддин Афанди ҳангомалари иштирокчилари тасвирлари кайфиятингизни кўтаради.

Айниқса, Ўзбекистон халқ рассоми, Самарқанд кулолчилик мактабининг беназир давомчиси уста Умар Жўрақуловнинг мўъжизавий экспонатлари музейга ташриф буюрган меҳмонларни ўзига жалб этмай қолмайди. Бугунги кунда уста мактабининг совға экспонатлари Америка, Россия, Франция, Чехия ва бошқа давлатлар кўргазма залларида намойиш қилинмоқда.

Миллий ҳунармандчилик энг катта бўлимлардан бири бўлиб, экспонатларга бойлиги билан ажралиб туради. Улар асосан Бухоро, Нурота ва Самарқанд каштачилик-тикувчилик мактаби маҳсулотларидир. Буюмлар орасида зардевор, жойпўш, бир неча турдаги аёл ва эркаклар дўппилари, жойнамоз, кўлтапўшак, болалар суннат ва никоҳ тўйларида кийиладиган тўн ва чакмончалар, паранжи, чачвон, жамалак, чойнакпўш, турли шойи ва ипак рўмоллар, қадимий адрас, атлас, бахмал каби ипак ва пахтадан тикилган ҳамда тўқилган эркак-аёллар уст кийимлари бор. Мазкур бўлимга 15-20 хилдаги каштали сўзана ва гиламлар, қуроқ кўрпачалар ҳам қўйилган.

Темирчилик бўлимидан ҳам ажойиб буюмлар — ошхона ва маиший анжомлар ўрин олган. Энг асосий бўлимлардан бири, халқ ашулачилик санъатига тааллуқлидир. “Шашмақом” ва мумтоз ашулачиликка оид ноёб маълумотлар ёшларимиз учун муҳим манба бўлади, деб ўйлаймиз.

— Буюмлар орасида ясалганига 150 йиллар бўлган, қадимий Бағдод эшиги ҳам бор, унинг — дейди Ш.Раҳимов. — Албатта, бу эшик ҳозирги ёки ўтган аср эшикларидан тубдан фарқ қилади. Ундаги нақшларнинг шакл-шамойили алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, камида юз йил илгари ишланган бешик ҳам асл қадрият сифатида бебаҳодир. Айнан шундай экспонатларни кўпайтириш, келажакда музей ташкил қилиш ниятимиз бор.

Тўпланган ҳар бир буюм ҳақида алоҳида ҳикоя қилиш мумкин. Зеро, бу ердаги ҳар бир экспонат халқимиз тарихининг бир бўлаги, ўтмишдан бир ҳикоядир. Ш.Раҳимов бошчилигида бир неча жонкуярлар замондошларимизни, хусусан ёшларни миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш ишига ҳисса қўшиш ниятида тарихий буюмларни йиғиб, хусусий музей очишга бел боғлаганлари таҳсинга сазовордир.

Ориф ҲОЖИЕВ,
Гавҳар АБДУЛВОСИ қизи
Самарқанд

Кўргазма залларида

ОНА ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги ва “Соғлом бола йили”га бағишланган “Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” деб номланган кўргазма очилди.



Экспозициядан ўрин олган рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, халқ амалий санъати асарларида ижодкорларнинг Ватанга чексиз меҳр-муҳаббати ёрқин бўёқларда акс этган. Аёл қўлининг мўъжизаларга қодирлиги Г.Амоновнинг каштачилик асарларида намоён бўлган. Ҳайкалтарошлардан Альберт Овсепян, Надежда Харитонова ва Фания Дедёноваларнинг тош, мато ва сополдан ясалган асарлари тасвирларнинг ҳаққонийлиги билан томошабинлар эътиборини тортди. Анвар Мирсоатов, Римма Гаглоева, Янис Салпинкиди, Ҳикмат Жалилов, Муҳамадиёр Тошмуродов, Хуршид Зиёхонов, Муҳаммаджон Тожимирзаевлар мўйқаламига мансуб асарларда она диёримиз манзаралари бетакрор ранглар да тасвирланган.

Мазкур кўргазмада портрет жанри етакчилик қилган десак, муболаға бўлмайди. Ўзбек Миллий академик драма театрининг юз йиллигига бағишланган Ўзбекистон халқ артистлари Тўйчи Орипов, Эркин Комилов, Гулчеҳра Жамилова, Малика Иброҳимова ҳамда бошқа маданият ва санъат арбобларининг романтик руҳдаги қиёфалари томошабинлар диққатини жалб этди. Собир Раҳметов, Жавлон Умарбеков, Акмал Икромжонов ва “Арт-трио” ижодий гуруҳига мансуб мазкур портретлар кўргазмага ўзига хос шукуҳ бағишлаган. Иброҳим Валихўжаев томонидан яратилган маҳобатли портретлар экспозиция асоси бўлиб хизмат қилди.

С.ҚОСИМОВА

ОЛҚОРОВЛАРДА

Қоратов тизмаларининг Парандоз чўққилари кун чиқарида Олқоровлар, деган жой бор. Олқоровлар деганимиз бу — атрофини табиий тик қоялар ўраган чоғроқ сайхонлик. Бамисоли тошқўрғон, тошлардан атай девор кўтарилгандек. Аммо овчилар бу жойни тошқўрғон эмас, Олқоровлар дейишади. Унинг биргина Парандоз томонга қараган тошдарвозаси бор.

Сайхонида турли ўт-ўланлар, буталар бел бўйи ўсиб ётади. Шувоқ дейсизми, буғдойиқми, қўзиқулоқми, янтоқми, какрами, сигирқўйруқми, хуллас, мол-ҳолга емиш бўларли, ҳатто олқорлар бўй чўзиб баргларини “чирт-чирт” узиб ейдиган учқатлару ирғиларгача мўл-кўл. Сайхон ўртасидаги бир туп сўўз дарахти барглари қуёш нурларида ялтирайди, жимирлаб ажиб кайфият уйғотади.

* * *

Накурт дарасидаги туркум қишлоқлардан бири Қизилолмадан ёввойи бодом теришйиғиб келиш учун уч ўсмир тоққа йўл олишди. Аччиқ бодом айни шилдираб етилади-

Она сайёра — қўриқхона

ган пайт. Унинг данаги мағзидан хусусий сувжувозларда доривор ёғ-мой олинади.

Йигитчалар тўрваларига анча-мунча бодом териб, бирпас тин олаётганларида Жонғибой овчининг невараси Турдибой билағонлик қилиб шерикларига олқорлар юрадиган жойни билишини айтиб мақтанди.

— Юринглар, — деди у, — бир томоша қилдирай сизларни, мен бобом билан у жойларда кўп бўлганман...

Ҳаял ўтмай ўспиринлар Олқоровларнинг тошдарвозаси қошига етиб келишди. Уларнинг ўткир нигоҳлари сайхонликни “илматешик” қиларди. Ҳақиқатдан ҳам бир жуфт олқор ўтлаб юрган экан.

— Ана, олқорлар!.. — бақириб юборди Турдибой. — Ана, совлиқ қўзичоғи билан. Тутиб оламиз...

Турдибой бу тоғу тошларни бисёр кезган, шекилли, бир зумда “йўлини” топди. Ўзи бир шериги билан тошдарвозада турадиган, бошқа бири эса она-бола олқорларни ичкарига ҳайдайдиган бўлди. У мўлжални тўғри олган эди: олқорлар, албатта, ўзларини тошдарвозага уради, бошқа йўл йўқ!

Она-бола олқор жон ҳолатда сайхонлик бўйлаб чопар, ўзларини ҳар ёнга уриб тошдарвозага талпинар, дарвоза олдида эса икки “овчи” йўлни тўсиб турарди. Олқорлар чарчамас, аммо уларни қувлаётган Зокирбойнинг тили осилиб қолди. Уни Турдибой ёнидаги Шербекка алмаштирди. “Қув-қув” давом этди.

Она олқор не-не таҳликалардан қочиб-пусиб яшар, бу тоғларда бўри ва, айниқса, овчилар олқорларга қирон келтирарди. Тўрт оёқли душманидан қутулиб кетса бўлади, аммо икки оёқлиси ўта хавфли. Энг ёмони, овчининг қўлидаги милтиқ, ундан учган ўқдан омон қолиши даргумон. Бугунги овчиларнинг қўлларида қуроли йўқлигини она олқор пайқади. Тағин сездики, боласи толиқа бошлади. Шунда, тавакқал дегандек ўзини Турдибой билан Зокир тўсиб турган тарафга ўлжасига ташланган бургутдай ташланди. Зокир олқорнинг шиддати-ю шохларидан қўрқиб ерга ағанаб тушди, лекин Турдибой ўзини йўқотмади, олқорнинг қўзисига ташланиб оёқларидан маҳкам ушлаб қолди. У ростакам чапдаст, чайир эди.

* * *

Мен ҳар йили кўкламнинг апрел, май ёки кузнинг сентябр, октябр ойларида униб-ўлғайган тоғларимни бир айланиб келаман, дам оламан.

Илон йили кузида ҳам қадрдоним Қозоқбой Йўлдошни шерик қилиб, тоққа боргандим, дўстимга Олқоровлар, деган жойни кўрсатмоқчи эдим. Қирғийкўз амаки укам Носир йўл бошлади. Биз дафъатан фожиа устидан чиқдик. О-о!.. қўллари қон Турдибой безбетларча бизга қараб турарди. Кейин билишимизча, у пичоғи йўқлиги боис ўткир қиррали паррактош билан олқор қўзисини бўғизлаган экан.

Беихтиёр қўлларим муштга айланди. Ўзбекюртнинг тоғлари Африка саваналаримми, паррандаю дарранда сон-саноқсиз бўлса?.. Ўзимни тутиб туролмай Турдибойнинг юзига тарсаки тортиб юбордим. Тоғ бегиларига хабар беришимни айтиб, дўқ урдим. Сабоқ бўлсин дедим-да.

— Эссизгина... — деди Қозоқбой домла қўзининг қотиб қолган очиқ кўзларига термулганча.

Ён тарафдаги қояда она совлиқ биз томонга чорасиз тикилиб турарди.

Азим СУЮН

Китобдан яхши дўст бўлмас

ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАЛАРИ

Бу —
На эртак ва на афсона,
На шунчаки гаплар баёни.
Бу — заҳматкаш халқим мардона
Босиб ўтган йўллар достони.

Таниқли шоир Зиёвуддин Мансурнинг “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Шом ва тонг” номли достони муқаддимасидаги ушбу мисралар асарнинг мавзу-мундарижасига ишора қилади. Дарҳақиқат, халқимиз орзу-умид билан кутган Ватан озодлиги — Истиқлол аталмиш ҳаётбахш неъмат ижод аҳлига чексиз қувонч ва илҳом берди, мустақиллигимизни тараннум этган кўплаб асарлар яратилди.





“Шом ва тонг” достонида яқин ўтмишдаги мустамлака шароитида қадр-қиммату урф-одатлар қадрсизлангани, собиқ “марказ”нинг найранглари — шом тимсолида тасвирланса, тонг — истиқлолнинг илк даври, меҳнату машаққатлар чекиб, хавф-хатарларни бартараф этиб эришилган бахт-саодат кўтаринки оҳангларда куйланади, юрт-дошлар тилидан айтилган шукроналар, мамнунлик, миннатдорлик туйғулари орқали шарафланади. Реал воқеаларнинг бадиий талқинлари, таъсирчан ифодалари замондошлар қалбида мустақиллигимизга садоқат туйғусини янада мустаҳкамлаш билан бу асар долзарб тарбиявий аҳамиятга эгадир.



Зиёвуддин Мансурнинг яна бир “Истиқбол йўли” номли достони “Ниҳол” нашриёти томонидан чоп этилди. Жўшқин публицистик руҳ билан суғорилган ушбу асарда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида бўй кўрсатган бунёдкорликлар, ўсиш-ўзгариш, янгиланиш жараёнлари ҳақида ҳикоя қилинади. Теран умумлашмаларга бой, тили равон ва ширадор достоннинг мантиқан ва мазмунан уйғунлашиб кетган қисмлари таъсирчан руҳда, юксак пафосда битилгани билан яхлитлик касб этади.

“Истиқбол йўли” китобига сўзбошисида профессор Акмал Саидов шундай ёзади: “Мазкур достон жаннатмакон она-юртимиз, бетакрор Ўзбекистонимизни, муҳтарам Юртбошимизни суйган, уни эъзозлайдиган, қадрлайдиган, унинг ютуқларидан қувонадиган бирор кишини бефарқ қолдирмайди, кенг китобхонлар оммасининг қалбидан муносиб жой олиб жамоатчиликнинг эътиборини қозонади”.

“Истиқлол” нашриётида босилган “Онагинам, онажонгинам” номли лирик достонида шоир барча учун бирдек мўътабар зот — она сиймосини мадҳ этади. Фарзандлик она олдидаги қарздорлик ҳисси онани ҳар дам, ҳар қадамда эъзозлай билиш, аввало, тириклигида розилигига эришиш энг эзгу амал, юксак инсоний фазилат ва чинакам бурч экани достонда лирик кечинмаларнинг таъсирчан талқинлари орқали эътироф этилади.

Пародия

Турсунбой АДАШБОЕВ

БЎШ ЧОЙНАК АТРОФИДА

«Ҳа, гўзалдир кузда ҳам
Табиат товланиши.
Аммоки булар билан
Одамларнинг йўқ иши».

Мирпўлат МИРЗО
«Куз тонги» шеъридан.

* * *

Куздан кейин қарасанг,
Зумрад қиш товланиши.
Аммоки булар билан
Одамларнинг йўқ иши.

Баҳорда ғаройибдир,
Қизғалдоқлар ёниши.
Афсуски булар билан
Одамларнинг йўқ иши.

Ёз чилласи авжида,
Чигирткалар хониши.
Одамлар ланж ажабо,
Атроф билан йўқ иши.

Шоир-чи, бефарқ эмас,
Қуёшга бўйлаб қўйди.
Гузарда чойхўрликни,
Ўзича ўйлаб қўйди.

Сўнг тарихий иш қилди,
Лол қолди ҳинду, фаранг.
У бир чойнак кўк чойни
Сотиб олди-я қаранг!..

Жўралар ҳайрон, — Шоир,
Бунчалар сахий, танти.
Зуҳриддин, Тўлқин ака
Бу ҳолдан ажабланди.

— Қойил-эй, укамдаги,
Жасоратга, ҳиммatга.
Бўш чойнак атрофида,
Тушиб қўйдик суратга.

* * *

Устоз Айний бўлганда,
Ҳотам Тойдек бойирди.
— Пулни исроф қибсан, — деб
— Мирпўлатни койирди.

Журналларни варақлаганда

“МОЗИЙДАН САДО”, 2014 йил, 3-сон

Журналнинг мазкур сонида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро анжуманга алоҳида аҳамият берилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг нуфузли анжуман очилишида сўзлаган нутқида “Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки” деган фикрлари журналнинг ғоявий йўналишини белгилаган. Таниқли олимларнинг ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган халқимизнинг ўтмиш мероси мавзуидаги мақолалари бунинг далилидир. Профессор Б.Сайфуллаевнинг “Оммавий томоша санъати: анъана ва замонавийлик” деб номланган бош мақоласида ўзбек халқининг маданий мероси тизимида аждодларимиз томонидан ижод қилинган ҳамда катта ижтимоий-маънавий аҳамиятга эга бўлган турфа хил байрамлар, оммавий ўйинлар, томошалар алоҳида ўрин тутиб, истиқлол шарофати туфайли улар янги мазмун билан бойигани ҳақида ҳикоя қилинади.



А.Ҳакимовнинг “Шарқ санъати жаҳон маданиятининг ўзвий қисми”, Ш.Воҳидовнинг “Маънавий юксалиш шукуҳи”, З.Ҳакимовнинг “Ўзбекистон меъморчилиги типологияси”, Ш.Камолиддиннинг “Илмий-тарихий мерос хазиналари”, С.Ҳасановнинг “Ёзма мерос дурдоналари” мақолалари илмий изланишлар сирасига кирса, Қ.Қаландаровнинг “Ал-Масъудийнинг “Ахбор аз-заман” асари”, З.Қодировнинг “Жаннат боғларидан бир равза ва бўстон”, М.Кўчқорованинг “Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий: қиёсий таҳлил”, Г.Балтановнинг “Шарқ шеъриятида аёл образи” мақолалари муҳим илмий тадқиқотлардир.

Журналдан, шунингдек, М.Аҳмаднинг “Тарихий хотира мезонлари”, А.Носированинг “Ёзма манбаларда нутқ маданияти”, Р.Исломованинг “Халқ томоша санъати”, Б.Каримовнинг “Чорчинор зиёратгоҳи” сингари ранг-баранг мавзулардаги мақолалари, “Маънавиятимиз сарчашмалари” рукнида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Имом ал-Бухорий, Абу Али ибн Сино, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур жамғарма ва марказлари ҳақида муҳим маълумотлар жой олган.

Сўғдиёна ШУКУРОВА

ҲАММА БИРДЕК МАСЪУЛ

Огоҳлик

Ёнғин билан боғлиқ ҳодисалар кўпинча катталарнинг бепарволиги оқибатида юзага келади. Шу муносабат билан соҳа йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Зеро мустақиллик йилларида ушбу тизимда ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Яъни ҳар қандай шароитда ҳам ҳаракат қила оладиган махсус ёнғин ўчириш автоуловлари бугунги кунда ёнғин хавфсизлиги хизматида. Аммо ушбу автомашиналар офат содир бўлган жойга қисқа вақтда етиб боролмаслиги оқибатида турар жой ва хусусий мол-мулкка катта талофат етмоқда. Аҳоли томонидан маҳаллага кириб бориш йўлларига, кўчалар бошига турли тўсиқлар қўйилиши ёки ўзбошимчалик билан уйлар тагида омборхона ва автоуловлар учун гаражлар қурилиши ёнғин ўчириш машиналарининг ўз вақтида етиб боришига халақит бермоқда.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, йўллардаги тўсиқлар ва ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш нафақат соҳа ходимларини, балки ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Т.ИСМОИЛОВ
Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлиги хизмати катта инспектори

Гул кўп, чаман кўп

ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

Тони Моррисоннинг янги романи

Таниқли америка адибаси, профессор ва муҳаррир Тони Моррисоннинг «Уйга қайтиш» романи кўплаб жаҳон тилларига таржима қилинмоқда. Асар ўтган асрнинг қирқинчи йиллари бошида америкалик қора танлилар ҳаётида юз берган воқеаларга бағишланган. Ака ва сингил Техас ирқчилари тазйиқидан қочиб, Жоржияга бориб қолишади. Яхши кунлар умиди билан йиллар ўтади, бироқ ҳуқуқсизлик уларни асло тарк этмайди...

Тони Моррисон 1931 йили Огайо штатида таваллуд топган. Болалигидан адабиётга қизиқиб, Жейн Остин ва Лев Толстой асарларини севиб мутолаа қилган. Отаси бўш вақтлари Америка қора танлилари ҳаётидан кўплаб тарихий воқеаларни ҳикоя қилиб берган. Кейинчалик бу воқеалар Моррисон асарларида ўз аксини топган. У инглиз тили ва адабиёти бўйича Говард ва Корнелл университетларида таҳсил олган. Жанубий Техас университети талабаларига сабоқ берган. Random House нашриётида муҳаррирлик қилган даврида Генри Думас, Тони Кэйд Бамбара, Анжела Дэвис ва Гэйл Жонс каби афро-америка адабиёти намояндалари ижодини тарғиб этишга куч-ғайрат сарфлайди. У дастлаб Говард университетидаги ижодий тўгарак машғулотларига мовий кўзли қизга айланишни истовчи қора танли қиз ҳақидаги ҳикояси билан қатнашади. Кейинчалик шу ҳикоя унинг «Мовий кўзлар» романи сюжетига асос бўлади. 1975 йили Моррисоннинг «Сула» романи АҚШ Миллий китоб мукофоти билан тақдирланади. Адибанинг «Раҳмдиллик», «Севги», «Жаннат», «Жаз» каби романлари ҳам машҳур. «Маъшуқа» романи эса 1987 йили Пулитцер мукофоти билан тақдирланиб, энг яхши юз роман рўйхатига киритилган. Асарларида Америка ҳаёти реалликларини гавдалантиргани учун 1993 йили Нобел мукофотига сазовор бўлган.

Драматург Пинтер

Таниқли шоир ва драматург, актёр ва режиссёр, адабиёт бўйича 2005 йилги Нобел мукофоти совриндори Гарольд Пинтер (1930-2008) жуда кўплаб халқаро орден ва адабий мукофотлар соҳиби, шунингдек, ўнлаб университетларнинг фахрий доктори. Пинтернинг адабий шуҳрати 1957 йили саҳналаштирилган “Хона” спектаклидан бошланган. У ярим асрдан зиёд вақт давомида 29 пиеса, 27 киносценарий, роман, эссе, ҳикоялар ва телеасарлар яратган. Лондон яқинидаги Ист-Энде шаҳарчасида таваллуд топган Пинтер Ирландия сайёр театр труппасида актёрлик фаолиятини бошлаган. Сўнг мумтоз асарларни саҳналаштирувчи Дональд Вульфит труппасига ўтган. 1950-йиллар охирида Пинтер истеъдодли драматург сифатида довруқ қозонади. Қаҳрамонлар муносабати, воқеалар ва диалоглар ривожида кутилмаган нотипик ҳолатлар юз беришига қараб, драматургнинг ўзига хос адабий услубини “пинтеризм” деб аташ урф бўлган. Фрэнсис Скотт Фицджеральднинг “Сўнгги магнат”, Жон Фаулзнинг “Француз лейтенанти маҳбубаси”, Маргарет Этвуднинг “Хизматкор аёл тарихи”, Франц Кафканинг “Жараён” романлари бўйича Пинтер яратган сценарийлар асосида бадиий филмлар суратга олинган.

Марсел Прустнинг «Бой берилган вақтни излаб» эпопеяси мотивлари асосида яратилган «Пруст бўйича сценарий» пиесаси Г. Пинтернинг сўнгги асари бўлиб, унда француз классигининг услуби, ғоялари ва образлар системаси сақланган. Лондон Миллий театри саҳналаштирган бу пиеса эндиликда адабиёт оламида мустақил бадиий асар сифатида довруқ қозониб, кўплаб тилларга таржима қилинмоқда.

Бозори чаққон асар

Австралиялик адиба Лиана Мориартининг «Эримнинг сири» романи дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинмоқда. Яқинда бу асар АҚШда тасаввур қилиб бўлмайдиган тиражда — ярим миллиондан кўпроқ нусхада сотилган. Бундан ташқари, китобхонлар ушбу роман ҳақида турли интернет-ресурсларда 20 мингдан ортиқ ижобий фикр-мулоҳаза билдиришган.

Бу бежиз эмас: роман жуда ўқишли бадиий тил билан ёзилган, сюжети эса кутилмаган бурилишларга бой. Асар қаҳрамони Сесилия Фицпатрикнинг турмуш ўртоғи унга мактуб ёзиб, жуда нохуш бир сирни маълум қилган. Хат муаллифи унда баён этилган сир ошкор этиладиган бўлса, нафақат ўз оиласи, шу билан бирга бошқа одамларнинг ҳам ўзаро муносабатлари дарз кетишини айтиб, мактубни ўлимидан сўнг очишни васият қилади. Афтидан, оний кучли руҳий ҳолатда ёзилган бўлса керак, бир неча йилдан сўнг мактуб бутунлай унутиб юборилади...

Ғаройиб ҳаёт

Тўрт ой муқаддам ҳаётдан кўз юмган британиялик машҳур адиба Сью Таунсендни адабиётшунослар туғма истеъдод соҳиби, деб аташади. Сабаби, кўп фарзандли паттачи ва почтальон оиласида туғилган Сью машғул бўлмаган ишнинг ўзи йўқ. Жуда ёш турмушга чиқиб, бир этак бола тарбиялаган, кейинчалик бу фарзандлар унинг энг яхши дўстларига айланиб, чинакам бахт ҳиссини туҳфа этишган. Шу сабабли унинг бирор илм даргоҳида таҳсил олишга фурсати бўлмаган. Табиатан ижодкор бўлиб туғилган Сью Таунсенд мустақил равишда ўз билимини ошириш, ижод машаққатларини енгишга жуда кўп куч-ғайрат сарфлади. Умрининг сўнгги ўн йили мобайнида эса кўзлари кўрмай қолди — адиба асарларини айтиб туриб ёздирди. Сью Таунсенднинг “Бир йил тўшакдан бош кўтармаган аёл” деб номланган сўнгги китоби Англияда икки йил мобайнида ярим миллион нусхада сотилиб кетган. Китобда ўн етти ёшга тўлган фарзандларини университет ўқишига юбориб, ўзи турмуш ташвишларини бутунлай унутган ҳолда йил давомида тўшакдан бош кўтармаган уй бекасининг ғаройиб ҳаёти ҳикоя қилинган. Унда оилавий турмуш тарзининг барча жиҳатлари кинояли ва қизиқарли тил билан тавсирга олинган.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош муҳаррир Сирожиддин САЙИИД

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Санжар ТУРСУНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4730 Буюртма Г — 957. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.
ISSN 2181-614X